

... Олий суднинг 2011 йил 12 сентябрдаги аждими билан протест қаноатлантирилган.

Бош прокуратуранинг аралашуви билан, бошпанасиз қолган бир фуқаро уй-жой билан таъминланди.



...Отасидан хабар олгани келган ўғил ичкарига қирди-ю, мебелларни тартибсиз ҳолда кўриб, қўшинсиникига югурди. Ундан отасининг мебелларини сотиб олган аёллар ҳақида эшитгач, профилактика инспекторига хабар қилди.



Mustaqillik huquq demakdir



1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-йил 13-dekabr, №50 (831)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Куйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандига кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

- а) аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) 60 ёшдан ошган эркаклар;
- г) чет давлат фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик оқсидида жиноят содир этган шахслар, шунингдек иктомий ҳаққа қатъи бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кунга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичидида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқинлик қилаётган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилин-

ган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибидида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

7. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг: а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати — ундан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши — узок муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибидида

жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузётган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибидида озодликдан маҳрум қилиш тартибидида жазога алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-4, 6, 7-бандларининг амал қилиши — таққиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибидида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга;

г) ушбу Қарор 4, 5, 7-бандларининг амал қилиши — муқаддам амнистия бўйича жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли кўмити ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очик-ошкоралик амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан қўяради ва ун ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Раиси

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 5 декабрь

Бош прокуратурада

2012 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидхон Қоиров Вьетнам Социалистик Республикасининг Бош прокурори ўринбосари жаноб Чан Конг Фан бошчилигидаги делегацияни расмий таширф доирасида қабул қилди.

Дўстона вазиятда ўтди

Рустам КОМИЛОВ,
Бош прокуратура бўлим прокурори

Таширф жараёнида делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ташкил қилиниши, тизими, фаолиятининг қонуний асослари, йўналишлари, ишни ташкил этиш принциплари, вазифалари ҳамда уларни амалга ошириш жараёнлари билан таништирилди.

Шунингдек, делегация аъзолари Бош прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари, яъни ички ишлар идораларида қонунлар ижроси устидан назорат ҳамда прокуратура органларининг терговни амалга ошириш борасидаги вазифалари, жиноий, фуқаролик, ҳўжалик судларида прокурор ваколатини таъминлаш, кадрларни танлаш, лавозимларга тайинлаш ҳамда малакасини ошириш, прокуратура органлари фахрийларини қўллаб-қувватлаш жараёнлари, шунингдек, Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳамда Одам савдосига қарши кураш бўйича идоралараро комиссияларининг фаолияти юзасидан презентациялар қилиниб, Вьетнам делегациясининг прокуратура фаолияти билан боғлиқ саволларига тўшунтириш берилди.

Учрашувда томонлар икки давлат прокуратура органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масаласида фикр алмашиб, ушбу соҳада икки томонлама алоқаларни ўрнататиш лозимлигини таъкидладилар.

Хусусан, икки томонлама ҳуқуқий ҳамкорликнинг норматив базасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Вьетнам Социалистик Республикаси Бош прокуратураси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисида фикр билдирилиб, ушбу ҳақда протокол имзоланди.

Учрашув якунида ҳар иккала томон ҳам музокаралар самарали ўтганини таъкидлаб, мамнуният изҳор қилдилар.

Қабул хайрихоҳлик ва дўстона вазиятда ўтди. Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан кўрсатилган самимий қабул учун миннатдорчилик билдирдилар.

Тадбиркорлар ва хорижий инвесторлар манфаатлари йўлида

Мамлакатимиз иқтисодиётида тадбиркорлик субъектларининг улуши тобора ортиб, экспорт салоҳиятимиз ҳам ана шу соҳа билан чамбарчас ҳолда ривожланиб бормоқда. Бу албатта, юртимизда амалга оширилаётган илмий-ислохотларнинг самарасидир. Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўридан-тўри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эса бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширди. Шу билан бирга Фармон прокуратура органлари зиммасига ҳам муайян вазифаларни юклатди.

Ана шу Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг 11 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Марказий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва

савдо вазирлиги, Давлат божхона ва Солиқ, Хўсуслилаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмиталари, Савдо-саноат палатаси ҳамда Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда "Хорижий инвестициялар ва ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятининг қонунийлик асосларини тақомиллаштириш масалалари" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тингловчилари, савдо-саноат палатаси, банк, солиқ, божхона органларининг ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурор назоратини

ташкил этиш услублари, уларни қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг роли, савдо-саноат палатасининг вазифалари, шунингдек, хорижий инвестициялар жалб этилиши янада рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш каби масалалар муҳокама қилинди. Шу билан бирга юртимизда тинчлик ва барқарорлик, инсон манфаатлари ва эркинлиги, қонун устуворлигини таъминлаш борасида қатъи ишлар амалга оширилаётганлиги, қўлай инвестиция, тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳити яратилаётганлиги натижа-сида чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги таъкидланди.

Йиғилишда прокуратура органлари томонидан хорижий инвесторларнинг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига но-

Ўткирхон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

қонуний аралашуш, бюрократик тўсиқлар яратиш, тадбиркорлик эркинлигини чеклаш каби ҳолатларнинг олдини олиш чоралари самарали кўрилаётганлиги қайд этилди.

Тадбирда иштирок этган тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга тегишли ташкилотлар вакилларида батафсил жавоблар олдилар.

Конференция сўнгида хорижий инвестициялар ва ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятига янада кенг имкониятлар яратиш бериш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган тавсиялар берилди.

Ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили

Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши ҳаётини муҳим масала ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий омилларидан бири саналади. Шу боисдан ҳам бу соҳани тартибга солишга қаратилган қонунлар қабул қилиниб, улар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан иш ҳақи тўланишига доир қонунчилик ижроси доимий равишда прокурор назоратида олинган. Бу борада ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларга нисбатан қатъий прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 11 ойида вилоят прокуратураси органлари томонидан қонунчилик ижроси юзасидан 26 та текшириш ўтказилиб, натижа-си бўйича 42 нафар мансабдор шахсга нисбатан интими-мий ва маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди. Бу борадаги қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш

тўғрисида ваколатли мансабдор шахсларга 6 та тақдимнома киритилди.

Шу даврда вилоят прокуратураси органлари томонидан 140 млн. 298 минг сўмлик иш ҳақларини ундириш ҳақида судларга 136 та даъво ариза-си киритилди. Шунингдек, иш ҳақларини ололмасдан юрган 161 нафар фуқарога 304 млн. 115 минг сўмлик иш ҳақларининг тўлаб берилиши таъмин-ланиб, уларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Иш ҳақи тўланишида жид-дий қонунбузилишга йўл қў-йилган ҳолатлар юзасидан 15 та жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъ-минланди. Хусусан, Учқудуқ туманидаги мусиқа ва санъ-ат мактаби директори Х.Ху-

доев ва бош ҳисобчи Б.Бай-дуллоев ўзаро жиноий тил би-риктириб, 2011 йилнинг ян-варь ойидан 2012 йилнинг июнь ойига қадар бўлган даврда, мактабининг ишчи-ходимларига 10 млн. 982,5 минг сўм ортиқча иш ҳақи ҳисоб-лаб, бу маблағларни ишчи-ходимлардан ушлаб қолиб, талон-торож қилганликлари аниқланди. Уларга нисбатан туман прокуратураси томони-дан жиноят иши қўзғатилиб, тергов натижасига кўра жино-ят иши суд муҳомадасига юборилди ва жазо муқаррар-лиги таъминланди.

Шу каби, Навбаҳо тумани-даги "Истиқлол" саноат касб-хунар коллежи мансабдор ва масъул шахслари ҳам мансаб-ваколатларини суиистеъмол қилиб, расмий ҳужжат ҳисоб-ланган ҳисобхона ва банк ре-естрларини сохталаштириш йўли билан коллежнинг иш ҳақи фондидан 18 млн. 994 минг сўмлик маблағни иш ҳақи сифатида пластик кар-

точкаларга ўтказиб, ўзлашти-риш йўли билан талон-торож қилганлиги аниқланган. Маз-кур ҳолат юзасидан Навбаҳо туман прокуратураси томони-дан ЖКнинг тегишли модда-лари билан жиноят иши қўзғатилган ва тергов натижа-сига кўра жиноят иши суд му-ҳомадасига юборилиб, айб-дорларга нисбатан жазо му-қаррарлиги таъминланган.

Афсуски, маблағларни ўз-лаштириш ҳолатлари бошқа таълим муассасаларида ҳам учраб турибди. Чунончи, На-воий Давлат кончилик инсти-тутининг масъул шахслари 107 млн. 677,8 минг сўмлик маблағларни талабалар са-фида бўлмаган фуқаролар номига стипендия тарзида қўчириб, талон-торож қилин-ганликлари ҳолати юзасидан Навоий ихтисослаштирилган прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди. Суд ҳукми билан айбдор шахс-ларга нисбатан жазо тайин-ланди.

Равшан ИБРАГИМОВ,

Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Шунингдек, текширишлар-да Навоий вилоят синга қарши курашиш диспансери мансаб-дор шахслари ҳам мансаб ва-колатларини суиистеъмол қилиб келишгани маълум бўлди. Улар шифохона ходим-ларининг пластик карточкаларига ўтказилган иш ҳақла-рига қўз олайтиришган экан. Бунинг учун алоҳида ведомост тузиб, банкка тақдим этилади-ган ведомостдаги имзоларни сохталаштиришган ҳамда АТ "Асака банк"нинг Навоий ви-лоят филиали мансабдор шахслари билан ўзаро кели-шиб, 45 млн. 561,5 минг сўм-лик бюджет маблағларини та-лон-торож қилиб юборишган. Ушбу ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, иш судда қўрилди ва айбдорлар-га тегишли жазо тайинланди.

Маълумки, "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокурорларнинг асосий вазифаларидан бири қилиб белгилан-ган. Бугунга келиб, бу борадаги изчил фаолият ҳамда ҳуқуқий ислохотлар са-мараси туфайли фуқароларнинг онгига прокурор ҳақидаги тасаввур кескин ўзгарди. Энди фуқаролар прокуратура ҳолимларини қонун ҳимоячиси, деб би-либ, ҳуқуқ ва эркинликлари масаласида уларнинг кўмагига таянмоқдалар. Ўз навбатида прокуратура органларининг ушбу йўналишдаги бевосита ташаббуси билан кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига нисбатан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилмоқда.

Мурожаатлар асоси бўлсин

Неъмат ҚУЧҚОРОВ,
Шўрчи туман прокурори

Бирок, баъзан, айрим фуқаро-лар томонидан асоссиз, тух-матдан иборат мурожаатлар ҳам учраб турибдики, оқибатда бу ҳолатлар туфайли қўллаб оворагарчи-ликлар юзага келмоқда. Мисолларга мурожаат қилсак: вилоят прокурори но-мига ариза билан мурожаат қилган

Б.Дўстқобилов, уни ИПХ ходимлари уриб, тан жароҳати етказгани, автома-шинининг ҳам олиб қўйилганлигини билдирган. Аниқланганда, туман ҳудудида хиз-мат вазифаларини ўтаётган ИПХ ин-спекторлари Б.Тоғаев, У.Бўриев ва Ш.Азизовлар Б.Дўстқобиловнинг бош-қарувидаги автомобиланин тўхташган ва ҳайдовчини спиртли ичимлик ичган-ликда гумон қилиб, уни тиббий кўри-дан ўтказмоқчи бўлишган. Бирок, Б.Дўстқобилов уларнинг қонуний тала-бига бўйсунмасдан, ходимларни ҳа-қорат қилган. Шундай бўлса-да, уни наркологиya бўлими текширувидан ўтказганлигидан ҳайдовчининг спиртли ичимлик ичганини аниқланган. Шу са-бабли Б.Дўстқобиловга нисбатан баён-нома расмийлаштирилган. Аммо у ба-ённомага имзо қўйишдан бош тортган. Шундан кейин ушбу ҳолат юзасидан хо-лислар иштирокида далолатнома рас-мийлаштирилган.

Мазкур ҳолат бўйича туман проку-ратураси томонидан терговолди текши-руви ўтказилиб, натижаларига кўра, Б.Дўстқобиловнинг аризаси бўйича ИИБ ЙХХХ ходими Б.Тоғаев ва бошқа-ларнинг ҳаракатларида жиноят тарки-би бўлмаганлиги туфайли ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят ишини қўзғатиш рад этилди. Б.Дўстқ-обиловга нисбатан эса маъмурий жавоб-гарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, судга юборилди. Жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман судининг қарорига кўра, ҳуқуқбузар Б.Дўстқобилов Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли мод-далари билан айбли деб топилди, унга нисбатан 943 минг 800 сўм жарима жазоси тайинланган.

Еки фуқаро Б.Мўминовнинг туман-даги "Ёшгайрат ичимлик суви" МЧЖ раҳбари У.Шерхонов томонидан жамия-тга қарашли ер майдонлар сотилаёт-гани ҳақидаги аризасини олсак. Ҳолат

бўйича Б.Мўминовдан тушунтириш хати олинганда, у МЧЖга Сантехник бўлиб ишга кирганлиги ва 2011 йилнинг ян-варь ойидан май ойигача ишлаганлиги, У.Шерхонов 28 сотих ер бераман, дея-ундан 250 минг сўм пул олганлиги, шу-нингдек, фуқаролар Ж.Алиханов ҳамда У.Умаровларга ҳам ер сотганлигини, аслида У.Шерхоновдан рухсат олиб, уюшма ҳудудида бўш ётган ерга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экканлигини, ариза ёзишига сабаб эса, шундай қилса, ўша ерни доимий фойдаланиш учун беради, деб ўйлаганлигини баён қилиб, унга тўхмат қилганлигига иқдор бўлган.

Бундан ташқари, "Ёшгайрат ичимлик суви" МЧЖ ҳудудидан фуқароларга ер сотилганлиги ҳолати туман ер тузиш ва кўчаси мулк кадастр хизмати мута-хассисини жалб этган ҳолда, ариза му-аллифининг иштирокида ўрганилганда, бу борада қонунбузилиши ҳолатлари аниқланмаган.

Б.Мўминовнинг аризасида кўрсати-лан ҳолатлар бўйича МЧЖ раҳбарининг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли унга нисбатан жино-ят иши қўзғатиш рад этилган. Ариза му-аллифининг ҳаракатида эса тўхмат қилишда ифодаланган маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудли-ги инобатга олиниб, унга нисбатан маъ-мурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзға-тилган ва туман судига юборилган.

Мазкур иш туман суди томонидан қўриб чиқилиб, Б.Мўминовга энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқ-дорига жарима жазоси белгиланган. Хулоса ўрнида айтиданган бўлсак, фу-қароларимиз қонунда белгилла қўйил-ган ўз ҳақ-ҳуқуқларини, шу билан бир-га, бурчларини ҳам яхши билишлари ва уларга амал қилишларига эришиш биз прокуратура ходимларининг олди-да турган биринчи галдаги вазифа бўлмоғи керак.

Масъулият ҳисси

ЮТУҚЛАР САРИ УНДАЙДИ

Хусанбой АХМАДЖОНОВ,

Учқўрғон туман прокурори ёрдамчиси

"Мустаҳкам онла йили" номини ол-ган жорий йилнинг якунлашишига ҳам саноқчи қуналар қолди. "Обод турмуш йили" оstonасида оптимиз-га назар ташлар эканмиз, кўнглимиз ютуқлардан гурурга тўлади.

Дарҳақиқат, Ўртбошимиз Ва-зирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январда бўлиб ўтган йиғилишида белгилла берган улуғвор вазифалардан келиб чиқиб тузилган туман дастури ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар қилинди. Бу-гунги кунда туманимизда учта йирик саноат корхонаси, 773 та кичик биз-нес субъектлари фаолият кўрсатмо-да. Кичик бизнес субъектларининг иктисодиёт тармоқларига қўлаётган ҳиссаси йил сайин ортиб бормоқда. Бошқача қилиб айтганда, саноат ма-ҳсулотиди уларнинг ҳиссаси 17,5, қишлоқ хўжалигидида 98,7, қурилиш иш-ларида 97,4, чакана савдо айланимаси-да 54,4, йўловчи ташишда 81,7 фоиз-ни ташкил этмоқда.

Туманимизда ҳозирда 153,7 минг киши истикомат қилади ва уларнинг 93,4 минг нафари меҳнатга лаёқатли ҳисобланади. Демак, уларни иш билан таъминлаш учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Бу борада аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қув-ватлаш мақсадида қабул қилинган дас-тур ижросининг қатъий назоратга олин-гани ижобий самаралар берапти. Жор-ий йилнинг тўххиз ойи мобайнида ана шу дастур асосида 3848 та янги иш ўринлари яратилди.


Шу ўринда эътиборингизни яна бир жиҳатга қаратсак. Озёқ-овқат ҳафсиз-лигини таъминлаш учун қабул қилин-ган дастур асосида хусусий тадбиркор-лар томонидан чорвачилик, асалари-чилик ва балиқчиликни ривожланти-риш диққат марказимизда турибди. Жумладан, "Тошпўлатхожи ота", "Гул-хумор", "Ҳожиакбар" фермер хўжалик-ларида сутчилик йўналишидаги хўжа-ликларни наслли қорамоллар билан таъминлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, "Яшиқобод ҳамкор сервис", "Чорвадор сара гахари" фермер хўжаликлари балиқчилик, "Са-идикром ота" фермер хўжалиги ва "Янгиер асаларичилари" МЧЖ жамо-алари асаларичиликни ривожланти-ришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, мавжуд корхо-наларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиллаш, инвес-тиция лойиҳаларини амалиётга жорий

этиш, қолаверса, касаначиликни жа-дал ривожлантириш ички бозорни энг зарур истеъмол буюмлари билан таъ-минлабгина қолмай, қўллаб иш ўрин-лари яратишга имкон беради. Ана шу йўналишда қилинган ишларга тўхта-лаган бўлсак, "Дилмурод бизнес сер-вис" хусусий корхонасига 85 млн. сўм кредит маблағи ажратилгани аэвасига ёғочни қайта ишлаш цехи иш бошла-ди. "Учқўрғон олтин куз" хусусий кор-хонасида эса кредит маблағи ҳисоби-га бетон қорширувчи, бетон (брус-чатка) дастгоҳлари олиб келиб ўрна-тилди. "В.Дадамирзаева", "Наргиза-ой", "Олтинбояева Севара" каби қатор кичик корхоналарда ҳам маҳаллийлаш-тириш дастури асосида тикувчилик, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқлар фаолият олиб бормоқда.

Шу тариқа йилнинг ўтган даври мо-байнида қайта тикланиб, кенгайтирил-ган ишлаб чиқариш объектлари ҳисо-бига 218 та, кичик корхона ва микро-фирмалар ташкил этиш ҳисобига 1111 та, хусусий ва оилавий тадбиркорлик-ни ривожлантириш ҳисобига 592 та, уй меҳнатининг барча шақлларини қўллаш ҳисобига 1554 та, меҳнат шартномаси асосида корхоналарда кооперация йўли билан 495 та янги иш ўринлари яратилди. Бугина эмас, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, масъулияти чекланган жамиятлари иш-билармонлари ҳам қўшимча иш ўрин-лари яратишга салмоқли улуш қўши-япти. Масалан, Б.Ҳасанов етакчилиги-даги "Исмузан медсервис" масъули-яти чекланган жамияти собик маиший хизмат кўрсатиш уйини сотиб олиб, тиббиёт муассасаси бунёд этди. Бир йўла 45 кишига хизмат кўрсатувчи уро-логия, терапия, стоматология йўнали-шидаги бишшоотнинг фойдаланишга тошпирилиши 30 кишини муҳим иш билан банд этди. Еки Х.Аҳмаджонов бошчилигидаги "Учқўрғон кристалл" МЧЖ 50 та, хусусий тадбиркор Қ.Хўжа-назаровнинг "Оромгоҳ" умумий овқат-ланиш хусусий корхонасида 15 та ишчи ўрни яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, ютуқлар билан бирга, камчилик ва нуқсонлар ҳам бор. Уларни бартараф этиш, янги йилни барча соҳаларда юқори нати-жаларни қўлга киритган ҳолда кутиб олиш чоралари қўрилмоқда. Зеро, масъулият ҳисси ҳаммани фақат эз-гулиқлар, улкан марралар сари унда-ши шубҳасиз.



Инсон ҳуқуқлари кафолати

Ҳар бир давлат, ҳар бир халқ ҳаётида муҳим из қолдирган тарихий саналар бўлади. Мазкур саналар ўз моҳиятига кўра, давлатларнинг келажагини белгилаб берадиган муҳим воқеалар юз берганлиги билан аҳамиятини ҳисобланади. Мана шундай тарихий саналардан бири 1992 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг мустақил Конституцияси қабул қилинган кундир.

Президентимиз Ислам Каримов айтиб ўтганидек: "Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода асосий Қонуниimiz халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда ҳар тун халқ шитирок эди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг махсулидир".

Таъкидлаш лозимки, Конституциямизнинг кириш қисми — муқаддимасида инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади мустаҳкамланган бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар Конституцияга асосланиб, амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз 1992 йилнинг 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида таъкидлаганидек: "Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислохотлар дастурига маълум ўзгаришлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.

Шу маънода, 1992 йил декабрь ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қонда ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади".

Маълумки, ислохотлар самараси қонун устуворлигининг

таъминланишига боғлиқ. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Конституция ва қонуннинг устуворлиги" муҳим принцип сифатида эътироф этилган ҳамда бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўз мазмун-моҳиятига кўра инсонпарварлик, халқпарварлик, барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлигини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, Конституциямизнинг 8-моддасида Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади, деб мустаҳкамланган. Бу норма ҳам асосий Қонуниimizнинг муҳим ҳусусиятларидан бири ҳисобланади. Демак, Конституциямизнинг мазмун ва моҳияти фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинишини ўзида акс эттиради. Қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш эса Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг асосий вазифаларидан бири сифатида эътироф этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIV боби прокуратура органларига бағишланиб, унинг 118-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратура ва унга бўйсунувчи прокуратура амалга оширади", деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш бугунги кунда ислохотлар самарадорлигининг муҳим омилдир. Шу боис, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма маж-

Хуршид КАРИМОВ,
ОУК катта ўқитувчиси

лисидаги маърузасида "Мамлакатимизда демократик янгиланишнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир" деб қўрсатиб ўтдилар.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамият барпо этиш мақсадида қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг асосий қафолати сифатида намоён бўлмоқда. Чунки, ҳуқуқий демократик давлатда ҳар қандай масала қонунлар асосида адолатли йўл билан ҳал этилади.

Албатта, бу жараёнда прокуратура органлари томонидан қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда ҳамда Конституция ва қонуннинг устуворлиги принципи таъминланмоқда.

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлатда яшовчи ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ва мажбуриятларини билиши муҳим ҳисобланади. Яъни, бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий саводхонлик алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқидан фойдаланганда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаслиги керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида белгиланганидек, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир фуқаронинг Конституция нормаларини чуқур ўрганиши, мамлакатда амалга оширилаётган улкан ислохотлар мазмунини англаши ҳамда бу жараёнда самарали меҳнат ва ижод қилиши олдимизга қўйилган мақсадларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Халқ ишига камарбаста

Деҳқонбой АБДУЛЛАЕВ,
Қамаши туман прокурори

«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши жамиятимиз ва халқимиз ҳаётида рўй берган муҳим воқеалардан бири бўлиб, Мустақилликка эришган, ўз тараққиёт йўлини ўзи танлаган давлатимиз учун Конституциямиз талаблари асосида яратилган ана шундай халқпарвар, ҳақиқатгўй ва адолатпеша қонунлар мажмуи — таъбир жонз бўлса — сув билан ҳаводек зарур эди.

Маълумки, ўзга бир давлат ҳуқмонлигидан қутулиб, ўз тақдирини ўзи белгилаш осон кечадиган жараён эмас. Ўтиш даврининг ўзига хос кийинчиликлари бор. Бу даврда ёш давлатнинг мустақиллигини қўрқолмайдиган, унинг йўлига тўсқинлик қиладиган қора кучлар, турли реакция гуруҳларнинг пайдо бўлиши тарихий жараён. Бундай оғир давларда давлат сиёсати, унинг Конституцияси ва шу асосда юзга келган қонунлар ҳимоясига таянилади. Ана шундай тарихий жараён тақозоси билан давлат тизимини ҳимоя қиладиган унинг сиёсатини, иқтисодиётини, ҳуқуқларининг халқро нufузини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қонунлар мажмуи Мустақилликимизнинг дастлабки даврларида, яъни 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўша йили 9 декабрда эса "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонун нормалари фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини тўлалиқ таъминлашга қаратилган бўлиб, унинг дастлабки бўлимидан бошлаб, сўнгги моддасигача қонун устуворлиги йўлида хизмат қилишни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини қафолатлашни кўзда тутати ҳамда муҳим профилактик ва тарбиявий функцияни бажаради.

Қонунда шунингдек, прокуратура органлари ходимларининг бурчи, масъулияти, бевосита бажариши зарур бўлган вазифалари, уларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган меъёрлар ҳам ўз ифодасини топган. Аввало, шунини таъкидлаш жоизки, Қонуннинг "Умумий қоидалар" деб номланган биринчи бўлимининг биринчи моддасида "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратури ва унга бўйсунувчи прокуратура Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар" деб белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, мазкур қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тизимини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Қўриниб турибдики, прокурорлик назоратининг мақсад ва вазифалари ўзининг кенг қўламлилиги билан соҳа ходимлари зиммасига катта вазифалар юклайди. Жумладан, прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъи назар, қонунийликни бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширадилар. Прокуратура органларининг фаолиятига арашиш тақиқланади.

Прокурорнинг гайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир таъсир кўрсатиш ёки фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, унинг дахлсизлигига таъжовуз қилиш, шунингдек прокурор ёки терговчининг руҳсатсиз текширишлар ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор этиш, прокурорнинг талабларини бажармаслик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлиши ва бошқа шу каби меъёрли мезонлар ҳам қонун моддаларида қатъий ҳамда аниқ қилиб белгилаб берилган.

Умуман олганда, Ўзбекистон Конституцияси билан қарийб бир вақтда қабул қилинган бу муҳим ҳужжат мамлакатимизда қонун устуворлигининг қарор топишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, мазкур қонуннинг 8-моддасида белгиланганидек, Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини қўлайдиладар. Прокурор ўзига тушган таъкиф, ариза ва шикоятларни текшириш вазифасини зарур ҳолларда тегишли давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органларига, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига топшириш ҳамда улардан текширишга тааллуқли барча материаллар билан бирга текшириш натижаларига доир эзма ахборот беришларини талаб қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Мухтасар қилиб айтганда, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини амалга ошириш, уларнинг орзу-умидларини рўйга чиқариш давлатимиз томонидан юритилаётган инсонпарварлик тамойилларининг ўзигини ташкил этади. "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бундан мустасно эмас. Унинг ҳар бир моддаси Конституциямиз талаблари асосида юзга келган бўлиб, халқнинг хоҳиш-иродасини ўзида мужассамлаштирилганлиги ва адолатпарварлиги билан ҳамда халқнинг бахт-саодати, тинч ва фаровон турмуши давлатимиз равнақи йўлида камарбасталиги билан устувор ва улғувдордир.

Протест қаноатлантирилди



Биламизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланган. Демак, ўзининг ҳақ-ҳуқуқи бузилган, деб ҳисоблаган фуқаро ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат этиши мумкин.

Шунга кўра, суд ҳам ишнинг барча ҳолатларини ўрганиб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади. Аммо, гоҳида айнан суд томонидан қўрилаган ишнинг айрим жиҳатларига етарлича эътибор берилмай, оқибатда тушунмовчилик ҳолатлари рўй беради, орада сарсонгарчиликлар юзага келади. Бунга мисол тариқасида даввогар Яккасарой туман ҳокимлиги томонидан жавобгар М.Саримсоқовга нисбатан Тошкент шаҳар "Муҳандислар" кўчаси 5-уй, 4 "в" хонадонидан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш ҳақида судга қилинган мурожаатни келтириш мумкин.

Ўз навбатида М.Саримсоқов ҳам И.Ражабов ва Яккасарой туман ҳокимлигига нисбатан уйдан қўчириш, уйга қиритиш ва уй рўйхатини тиклаш, И.Ражабовга йўқотилган ҳужжатлар ва мол-мулкларни қайтариш мажбуриятини юклаш, маънавий зарарни ундириш ҳақида қарши давво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Шунингдек, у даввогарнинг давво талабларини тал олмай, ўзининг қарши даввосини қуйидагича изоҳлайди: яъни, Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаётган вақтда, етимхонада тарбияланганлиги инобатга олиниб, 1995 йилда комбинат маъмурияти томонидан унга Тошкент шаҳри "Муҳандислар" кўчасидаги 5-уй, 4 "в" хонадон ажратилди. Коммунал квартиранда ундан ташқари, яна икки нафар аёл ҳам истиқомат қилади. Орадан уч йил ўтиб, ишдан бўшади-да, "Тезиковка" бозорида аравакашлик қилади. 2002 йилда бозор Янгибод мавзесига қўчирилган, турли ишларни бажариб юради. 2004 йилга келиб, Россияга ишлагача кетди ва 2006 йилда қайтиб келади. Бу пайтга келиб, қўшни аёллар вафот этиб кетмишган бўлиб, уларнинг квартирасида И.Ражабов исмли шахс оиласи билан яшаётган экан.

Табийки, М.Саримсоқов ундан уйни бўшатишни сўрайди. Бироқ, И.Ражабов бунга кўнмай, хона унга 400 минг сўм таъкиф қилади. М.Саримсоқов рози бўлмагач, ундан хонани хусусийлаштиришга розилик беришини талаб қилиб, тазйиқ остида нотариусга олиб боради. Нойлоз қолган М.Саримсоқов ишончсиз равишда мажбур бўлади. Харбий комиссариатга боришганда эса М.Саримсоқовнинг рўйхатдан ўчмаганлиги маълум бўлади-да, И.Ражабов уни уришиб, ҳайдаб юборади.

М.Саримсоқов шундан кейин Андижондаги қариндошлариникига кетишга қарор қилади. У ердан 2007 йилнинг май ойида қайтиб келиб қараса, уйнинг эшиги алмаштирилиб, янги қулф ҳам ўрнатилган экан. Бу ҳолатдан ҳайрон бўлиб, ҳали бир қарорга келмасидан, ҳокимликнинг давво аризаси асосида ўзининг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топилагани ҳақида эшилтади. Шундан кейин уй йўлагидан яшашга мажбур бўлади, уйда қолиб кетган ҳужжатлари билан шахсий буюмларини эса ололмайди. Хуллас, у шулар ҳақида баён қилиб, суддан

ўзига етказилган маънавий зарарни ундириб беришни сўрайди.

Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2009 йил 30 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даввогар Яккасарой туман ҳокимлигининг жавобгар М.Саримсоқовга нисбатан турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш ҳақидаги давво талаби рад этилади.

М.Саримсоқовнинг жавобгар И.Ражабов ва бошқаларга нисбатан қарши давво талаби қисман қаноатлантирилиб, И.Ражабовнинг оила аъзолари билан низоли уйдан қўчирилиши ва М.Саримсоқовнинг ушбу уйга қиритиб қўйиш белгиланади. М.Саримсоқовнинг жавобгар И.Ражабовга нисбатан йўқотилган ҳужжатлар ва мол-мулкларни қайтариш мажбуриятини юклаш, келтирилган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги давво талаби рад этилади.

Бироқ, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2009 йил 3 июлдаги ажримини билан биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори қисман ўзгартирилиб, М.Саримсоқов турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 348¹³-моддасига кўра, суд ишни кассация тартибида қўраётганда биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини кассация шикоятни ёки протестининг вахлари ҳамда улар юзасидан билдирилган эътирозлар доирасида текшириш, шу билан бирга, янги далиллари ўрганиб, янги фактларни аниқлаш мумкин, дейилган.

Бироқ, кассация судлов ҳайъати И.Ражабовнинг шикоятини қаноатлантиришда биринчи босқич суди томонидан жавобгар М.Саримсоқовнинг низоли хонадонда маълум муддат яшамасдан, мумкин иш жойи бўлмаганлиги сабабли ишлаш учун аввал Россияга, кейин Андижон вилоятига кетганини узрили, деб нотўғри хулосага келинганлигини таъкидлаган. Аммо, кассация инстанциясининг ажримида нима сабабдан ушбу ҳолат узрли сабаб бўла олмаслиги изоҳлаб берилмаган.

Ваҳоланки, М.Саримсоқовнинг қўшнилари О.Зотова ва бошқалар иштирокида тузилган далолатномада М.Саримсоқовнинг ҳақиқатдан ҳам низоли уйда 1997 йилдан яшаб келганлиги, у дастлаб Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаганлиги, 2004 йилнинг куз ойида моддий жиҳатдан қийналганлиги боис, Россияга ишлаш учун кетганлиги ва 2006 йил сентябрь ойида у ердан қайтиб келиб, декабрда яшаганлиги, сўнгра И.Ражабов уйнинг қолган икки хонасини олганлиги сабабли, уни ўз уйига қиритмай қўйганлиги, шундан сўнг уйнинг кириш йўлагидан яшаб юрганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, Яккасарой туман ҳокимлиги жавобгар М.Саримсоқовнинг низоли уйда яшаш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш ҳақида судга 2007 йилнинг 5 мартида давво ари-

Камолиддин ЮЛБАРСОВ,
Бош прокуратура бўлими катта
прокурори

заси билан мурожаат қилган. М.Саримсоқов бўлса, ушбу манзилда фақат 2004-2006 йиллардагина яшамаган. Бундан кўринадики, Яккасарой туман ҳокимлиги жавобгар М.Саримсоқовнинг низоли хонадонда яшаш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш ҳақида судга давво аризаси берган вақтда М.Саримсоқов ушбу хонадонга қайтиб келиб, яшаётган бўлган.

Бундан ташқари, Яккасарой туман ҳокимлиги томонидан И.Ражабовга "Муҳандислар" кўчаси 5-уй, 4 "а" ва "б" хонадонлари ажратиб берилган бўлиб, И.Ражабов М.Саримсоқовга тегишли бўлган 5-уй, 4 "в" хонадонни Яккасарой туман ҳокимлиги жавобгар М.Саримсоқовнинг низоли хонадонда яшаш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш ҳақида судга давво аризаси беришдан олдин, ҳеч бир сабабсиз, ўзбошимчилик билан эгалаб олган. Суд томонидан ушбу ҳолатларга тегишли ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Шу билан бирга, И.Ражабовнинг ўзига тегишли бўлмаган хонадонга нисбатан М.Саримсоқовнинг турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш сўраб судга шикоят беришга умуман ваколати йўқлиги ва у тараф бўла олмаслиги суднинг эътиборидан четда қолган.

Кассация инстанцияси суди М.Саримсоқовнинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиб, айна пайтда "Муҳандислар" кўчаси, 5-уй, 4 "в" хонадонни И.Ражабов томонидан ноқонуний ва ўзбошимчилик билан эгалаб олиниши натижасида Яккасарой туман ҳокимлиги, яъни давлат манфаатларига путур етказганлиги ҳолатига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 207-моддасига кўра, суд ишни даввогарнинг арз қилган талаблари доирасида ҳал қилади. Бироқ, суд даввогарнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланган манфаатларини ҳимоя қилишни зарур деб топса, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда даввогарнинг арз қилган талаблари доирасидан чиқishi мумкин, деб кўрсатилган.

Шунга кўра, суд даввогар Яккасарой туман ҳокимлигининг давво талаби доирасидан четга чиқиб, И.Ражабов ва унинг оила аъзоларини ноқонуний эгалаб олинган хонадондан чиқариш масаласини ҳам муҳокама қилиши мумкин эди.

Оқорда таъкидланганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 312, 353-моддалари талаблари асосида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига даввогар Яккасарой туман ҳокимлигининг жавобгар М.Саримсоқовга нисбатан турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб топиш ҳақидаги М.Саримсоқовнинг жавобгар И.Ражабов, Яккасарой туман ҳокимлигига нисбатан уйдан қўчириш ва бошқа давво талаблари юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2009 йил 3 июлдаги ажримини бекор қилиб, ишни янгидан шу инстанцияда қўришга юбориш ҳақида протест келтирилган ва Олий суднинг 2011 йил 12 сентябрдаги ажрими билан протест қаноатлантирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2011 йил 14 октябрдаги ажримида кўра, иш қайта қўрилиб, М.Саримсоқовнинг даввосини қаноатлантириш ҳақидаги биринчи босқич судининг 2009 йил 30 апрелдаги ҳал қилув қарори ўзгартирилган.

Бош прокуратуранинг аралашуви билан, бошпанасиз қолган бир фуқаро уй-жой билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги арафасида Самарқанд шаҳрида бир неча маъмурий бинолар фойдаланишга топширилди. Улар орасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, хусусан, вилоят адлия бошқармаси ФХДЕ ва нотариал архиви ва вилоят ҳўжалик судининг янги бинолари бор.

Байрамга муносиб туҳфа

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

Маъмур биноларнинг очилиши муносибати билан ўтказилган тадбирда Ўртбошимиз раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, ҳуқуқий идоралар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда тегишли дастур асосида ҳуқуқий идоралар учун замонавий бинолар бунёд этилиб, аҳолига ҳар томонлама қулай ва сифатли ҳуқуқий хизмат кўрсатиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Жумладан, вилоятимизда жорий йилда биргина адлия тизимидаги ўндан зиёд идора учун янги бинолар қуриildi. Вилоятдаги ФХДЕ бўлимлари ва нотариал идораларнинг ҳужжатларини сақлашга мўлжалланган янги архив биносидан ҳам ҳодимларнинг самарали ишлаши ва фуқароларга зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— 2010 йилда "Архив иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши билан ўтган йили вилоят нотариал архиви ташкил этилди, — дейди вилоят адлия бошқармаси нотариал архиви мудириси Н.Қурбонова. — Ўтган қисқа вақт ичида архивга вилоят бўйича ўн мингдан зиёд ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг мазмунини, фойдаланиш даври, аҳамиятига қараб белгиланган муддатларда сифатли сақлаш ва улардан фойдаланиш учун янги бинода барча жиҳатлар эътиборга олинган. Хоналар керакли асбоб-ускуна ва жиҳозлар, замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган. Мухими, ФХДЕ архиви билан битта бинода фаолият кўрсатишимиз, аҳоли учун бир қатор қулайлик ва имкониятлар яратди.

— Ушбу бино 2011 йилда "Толиб бобо АКТ" хусусий корхонаси томонидан қурила бошланган эди, — дейди янги бино билан йилгиланларни таништирар экан Самарқанд вилоят ҳўжалик судининг раиси Д.Ражабов. — 35 соғит майдонда бунёд этилган икки қисмли бино ўзидан миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини уйғунлаштирган. Биринчи қисми маъмурият учун мўлжалланган бўлса, иккинчи қисми суд жараёнлари учун мослаштирилган. Судья ва суд тоғиблари учун алоҳида маъмурий хоналар ажратилиб, замонавий мебеллар ҳамда янги компьютер техникалари билан жиҳозланган. Бундан ташқари, суд процессларида иштирок этувчи прокурорлар ва адвокатлар учун алоҳида хоналар, дам олиш хоналари, автомобиллар учун махсус турар жойлар мавжуд.

Шуни эътибор этиш лозимки, истиқлол йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, судларнинг тўлақонли фаолият юртиши учун янги кодекслар, қонунлар қабул қилинди. Биргина ҳўжалик судлари мисолида оладиган бўлсак, ушбу тизим ҳақиқий суд ҳокимиятининг ажралмас қисми сифатида шаклланди.

Шу ўринда ҳўжалик судларида қўрилаган ишлар сонининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганини таъкидлаб ўттиш ўринли. Хусусан, иш ҳажми мислсиз даражада кўпайган. Илгари ҳар бир судья ўрта ҳисобда ойига 100 дан ортиқ, йилига 900 дан ортиқ ҳўжалик ишларини мазмунан қўриб чиққан бўлса, биргина ўтган йили вилоят ҳўжалик судида судьяларнинг ўртача йиллик иш ҳажми 2000 тани ташкил этган. Бу тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайиши билан бир қаторда, тадбиркорларнинг ҳуқуқий сависиси юксалаётгани, қонун устуворлиги таъмоилига ва судларга бўлган ишончининг тобора мустаҳкамланаётганини кўрсатмоқда.

Ўзаро ҳамкорлик самараси

Аср вабоси номини олган гиёҳвандликка қарши доимий кураш-маслик жамиятни инкирозга келтиради. Унинг таъсири туфайли фуқаролар, айниқса ёшлар келажака бўлган умидини йўқотади. Инсонийлик унутлиб, натижада йиллар давомида қадрлаб келинган урф-одатлар емирилади. Айрим тоифадаги жиноий гуруҳларнинг янада тизимли бўлишига замин яратилиб, бир қатор оғир жиноятларнинг содир этилишига сабабчи бўлади.

Давлатимиз истиқлолга эришганидан сўнг барча соҳалар синга-ри суд-ҳукм тизимида ҳам кенг қўлланмоқда амал-га ошириб, гиёҳвандликка қарши кураш борасида қатор ижобий ишларни қилишга ул-гурди. Хусусан, 1999 йилда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғриси-да"ги, 2011 йилда "Гиёҳванд-лик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсор-ларининг қонунга хилоф ра-вишда муомалада бўлишига қарши курашга бўйича Мар-казий Осиё минтақавий ахбор-рот мувофиқлаштириш Марка-зини ташкил этиш тўғрисида Озарбайжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожи-кистон Республикаси, Туркме-нистон ва Ўзбекистон Респу-бликаси ўртасидаги Битимини (Остона, 2006 йил 24 июлдаги) ратификация қилиш ҳақида"ги Қонунлари қабул қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси томонидан Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Покистон Ислам Ҷумҳурияси, Хитой Халқ Республикаси, Бол-гария, Латвия, Литва Респу-бликалари, Италия ҳамда Укра-ина давлатлари билан гиёҳванд-лик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айла-нишига, шунингдек, бошқа жи-ноятларга қарши кураш соҳа-сида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимлар, Туркия Респу-бликаси билан эса ушбу соҳа-даги ҳамкорлик масалалари

ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишди.

Шу мақсадда прокурорлар-дан қонун ҳужжатларида бел-гиланган ваколатлардан тўла ва самарали фойдаланиб, шахсининг шаъни ва қадр-қим-матини ҳурмат қилиш, тараф-ларнинг тортишуви, айбсизлик презумпцияси, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фа-қат қонунга бўйсунishi ҳамда жиноят процессининг бошқа принципларига қатъий амал қилган ҳолда, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари-да мустақамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимо-ий ҳуқуқ ва эркинликлар, жа-мийят ва давлатнинг қонун бил-лан қўриқланадиган манфаат-ларини ҳимоя қилиш талаб этилади.

Бошқа тоифадаги ишлар сингари гиёҳвандлик восита-лари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ ишлар қўрилиши чоғида суд муҳокамасига прокурорлар пухта тайёргарлик қўриб, су-риштирув ва дастлабки тер-говнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона олиб борилганли-гини ўрганади.

Суд мажлиси жараёнида судланувчининг ҳимоя ҳуқуқи ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳуқуқларининг таъмин-ланишига алоҳида эътибор қаратилиб, суд муҳокамаси қоидалари ва мунозара мада-ниятига амал қилади ва далил-исботларни текшириш ҳамда уларга баҳо беришда фаол қат-нашади. Иш бўйича қонун-да иш ҳужжатларига асосланган фикр бериб, қонуний ва адо-латли қарор қабул қилиниши-га қўмаклашади.

Ишда қатнашаётган проку-рор ўз музокарасида судланув-чининг айблилиги, унинг жино-ий ҳаракатларини тавсифлаш, жазо турини ва меъёрини та-

Бахтиёр МАМАТҚУЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

йинлаш билан биргаликда, қўшимча жазо тайинлаш, шу-нингдек, жиноятнинг сабаблар-и ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароит-ларни бартараф этиш чорала-рини қўриш ҳақида фикр бил-диради.

Шу билан бирга, судларда жиноят ишлари қўрилишида гиёҳвандлик ва психотроп мод-даларни қонунга хилоф равиш-да муомала қилиш билан боғ-лиқ ишлар бўйича суд тергови-да давлат айбловини қўвват-ловчи прокурор далилларни текширишда шахсан ташаббус қўратиши, яъни жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлган ҳуж-жатлар: ҳодисанинг бевосита шохиди бўлган гувоҳлар, ҳоди-са жойи ва ашёвий далиллар-ни қўздан кечириш, ашёвий да-лилларни олиш, оғирлигини ўлчаш ҳамда бошқа тезкор су-риштирув ва тергов ҳаракатла-рида қатнашган шахсларни сўроқ қилиш, уларнинг суриш-тирув ва дастлабки терговда берган қўрсатувларига мос ке-лишини текшириш, зарурят туғилганида экспертиза ҳуло-салари бўйича экспертларни мутахассис сифатида жалб қи-лиш ва уларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун қўрсатиш ҳамда қўрсатувлари-ни ҳодиса содир бўлган жой-да текшириш ва бошқа зарур тергов ҳаракатларини ўтказиш юзасидан судга фикр билдири-ши, судланувчини гиёҳванд-ликка чалинган-чалинмаганли-ги, мажбурий даволанишига муҳтож ёки муҳтож эмаслиги, ашёвий далил сифатида олин-ган гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддалари судла-нувчининг эҳтиёжидан ортиқ-ёки ортиқ эмаслигини аниқ-

лашга суднинг эътиборини қаратиши лозим.

Бундан ташқари, ишда қат-нашаётган давлат айбловчиси судланувчининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришда мазкур тоифадаги жиноятлар учун жа-вобгарлик белгиланган мод-далар билан тўғри квалифика-ция қилинганлигига, жиноят-нинг мотивига, айбни оғир-лаштирувчи ҳолатларнинг бор-йўқлигига, ашёвий далил сифа-тида олинган гиёҳвандлик вос-италари ёки психотроп мод-даларнинг миқдорига, гиёҳ-вандлик воситалари етишти-рилган экин майдонининг ҳаж-мига, жиноят содир этилган жойга ҳамда судланувчининг шахсига алоҳида эътибор қарა-тиши керак.

Мазкур тоифадаги ишлар юзасидан Ўзбекистон Респу-бликаси Олий суди Пленуми-нинг "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлар-и бўйича суд амалиёти ҳақи-да"ги 1995 йил 27 октябр кунги қарорида судларга раҳ-барий тушунтиришлар берил-ган. Унда судларнинг эътибори ижтимоий ҳаффилигини ҳи-собга олган ҳолда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп мод-далар билан қонунга хилоф ра-вишда муомала қилишга оид ишлар бўйича оид судловнинг сифати ва самардорлигини яхшилаш зарурлигига қаратиб, ишининг барча ҳолатлари синч-ковлик билан, ҳар томонлама текширилиши, қайд этилган жи-ноятларнинг сабаблари ва со-дир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқлашни ва бартараф этиш чоралари қўрилиши лозимлиги таъкид-ланган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ижтимоий салбий ҳодиса бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп мод-далар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жи-ноятларига қарши курашнинг барча давлат органлари, ай-ниқса, ҳуқуқни муҳофаза қи-лаш органлари кенг жамоат-чилик билан ўзаро ҳамкорлик-да фаолият олиб боришини талаб қилади.

Башарият тарихининг гувоҳлик бе-ришича, ҳар қайси жамиятнинг ма-данний даражаси ва маънавий барка-моллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Чунки оқила аёлларнинг ғамхўрлиги, меҳрибон-лиги ва қалби дараёми билан оила-даги, қолаверса, бутун жамияттаги маънавий мувозанат, адолат муҳити сақланиб туради.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кўтариш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, ман-фаатини ҳимоя қилиш, меҳнат ва тур-муш шароитларини яхшилаш давлати-мизнинг устувор йўналиши ва мақсад-ларидан бирига айланган. Республика-мизда аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, маънавий, фаоллик даражаси, маъ-навий, тарихий қадриятларни ўзлашти-риш ва янги қадриятларни шаклланти-ришдаги роли жамият тараққиётини белгилувчи энг муҳим омиллардан би-ридир.

Бугунги куннинг ижтимоий-иқтисо-дий, ҳуқуқий ва сиёсий муаммоларини ҳақиқий маънавият эгаси бўлган инсон ҳал қиларини экан, бу борада республика аҳолисининг яримдан кўпрогини ташкил этган хотин-қизларнинг ижтимоий фао-лигини ошириш талаб этилиши боис, хотин-қизларга муносабат масаласи давлат сийбати даражасига кўтарилди.

Ўртимизда ташкилотчилик, тадбир-корлик, ишбилармонлик қўбиллигига эга бўлган хотин-қизларнинг бошқарув ти-зимига ҳеч қандай фаолият олиб бориш-моқда. Шу жиҳатдан, Президентимиз Ислам Каримовнинг 1995 йил 2 мар-тадаги "Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёллар роли-ни ошириш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги Фармони эътиборга лойиқ ҳуж-жат бўлди.

Жамият маънавиятининг мезони

1997 йил мамлакатимизда "Инсон манфаатлари йили", 1998 йил "Оила йили", 1999 йил "Аёллар йили", 2000 йил "Соғлом авлод йили", 2001 йил "Она-лар ва болалар йили", жорий йилнинг "Мустақам оила йили" деб эълон қили-ниши, Президентимизнинг 1999 йил 17 мартдаги "Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аёлларга бўлган эътиборнинг янада кучайганини ифодалаб турибди.

Хотин-қизларнинг шахсий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳуқуқлари Конститу-циядан ташқари Оила кодексида, Фу-қаролик кодекси, Меҳнат кодекси, фу-қароларнинг соғлигини сақлаш, аҳоли бандлиги, Олий Мажлисга сайловлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва ша-ҳар Кенгашларига сайловлар ҳақидаги қонунларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатла-ри ичида биринчилардан бўлиб БМТнинг "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилиши-нинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги ва "Хотин-қизларнинг сиё-сий ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция-ларига қўшилди. Шу билан бирга, 1995 йилда Пекин шаҳрида ўтказилган "Тинч-лик, тараққиёт ва тенглик" шиори ости-даги бутунжаҳон хотин-қизларнинг IV конференциясида мамлакатимиз хотин-қизлари вакиллари иштирок этдилар ҳамда шу асосда республика хотин-қиз-ларининг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳо-фазасини қаролатловчи ҳукумат даража-сидаги "Ўзбекистон Республикасида хо-тин-қизлар масалалари бўйича Концеп-ция ва дастурий ҳужжатлар" ишлаб чи-қилиб, 7 йўналишдаги дастур яратилди.

Булар жумласига "Қизларни турмуш-га тайёрлаш дастури"; "Соғлом авлод — соғлом жамият негизи дастури"; "Эко-

логия ва аёл дастури"; "Республика хо-тин-қизларининг халқаро алоқаларини мустақамлашга қаратилган тадбирлар дастури"; "Хотин-қизлар меҳнатини иж-тимоий муҳофаза қилиш дастури"; "Аёл, оила ва маҳалла дастури"; "Маърифат, маънавият, таълим-тарбия дастури" каби муҳим ҳужжатлар қиради. Хусусан, хотин-қизларнинг бандлиги масаласи-да улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги статистик қўрсаткичлар-га мурожаат қилсак, бугун иқтисодиёт-нинг реал секторидagi хотин-қизлар-нинг улуғ салкам 48 фоизини, жумла-дан, саноат ва қишлоқ ҳўжалигида 43 фоиз, таълим, маданият, илм-фанда 73 фоиз, соғлиқни сақлаш тизимида 75 фоизни ташкил этётганлиги аққол на-моён бўлади. Бугун юртимизда 100 мингдан зиёд тадбиркор, 17 мингдан ортиқ фермер аёллар фаолият қўрсат-моқда. Аёллар учун бевосита унинг ўзида қасаначилик асосида ташкил эти-лаётган иш ўринларининг сони салмоқ-ли рақамларни ташкил этади. Бу қу-лайлик хотин-қизларга уй меҳнатини ижтимоий фойдали меҳнат билан уй-ғун тарзда олиб бориш, фарзанд тар-биясида узоқлашмаслик им-кониятини беради. Жорий йилда қабул қилинган "Оила-вий тадбиркорлик тўғриси-да"ги Қонун ҳам айнан шун-дай имкониятнинг мантикий давомидир.

Хотин-қизлар соғлигини сақлаш ва мустақамлаш ти-биёт соҳасидаги энг долзарб вазифалардан бири ҳисобла-нади. Йил сайин фарзанд қўришда соғломлик, оналик ва болаликни муҳофаза қи-лишни ривожлантириш, эко-

Ғолибжон ЮСУПОВ,
Жиззах вилоят прокурорининг катта
ёрдамчиси

логик фалокатнинг аёлларга таъсири-ни қамайтиришга эътибор қўйайтирил-моқда. Бу борада Вазирлар Маҳма-сининг "Ўта зарарли ва ўта оғир меҳ-нат шароитларида ишлаётган аёллар-нинг даромадига имтиёз солиқ со-лиш тўғрисида"ги Қарорида хотин-қиз-ларнинг даромадида солиқ солиш да-ражаси 20 фоиздан юқори бўлмасли-ги назарда тутилгани ҳам ғоят эъти-борлидир. Шу билан бирга, айрим тои-фадаги ишларда банд бўлган аёллар-га 54 ёшдан пенсияга чиқиб ҳуқуқи бе-рилиб, шароити ноқулай ишларда аёл-лар меҳнатини қўллаш тақиқланган ва ҳомилдорлик ва туғиш таътиллари 126 кун деб белгиланган.

Жамиятда аёллар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, улар ўртасида юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантирилиши моҳиятан тараққиёт мезони саналади. Зеро, аёл улуғланган юртнинг келажа-ги бўлиб бўлиши шубҳасиздир.



Қонунлар эзгулик тарафиди

Фирибгарнинг тузоғи

Баъзи кишиларнинг қилмишини кўриб, "Одам — одамга бўри" деган гапга ишонгингиз келади-ю, бироқ бу фақат ёвуз ниятли айрим кишиларга нисбат бериб айтилгани учун, кўнгилнинг таскин топади. Қонунлар ҳамиша эзгулик тарафиди бўлиб, одамнинг одамга нисбатан ёвузлик қилишига йўл қўймайди. Инсон ҳақ-хуқуқлари ҳимоясининг бу мустақкам ва устувор қалқони ҳамиша собит, уйғоқ ва хушёрдир.

Аммо шунга қарамайдан, айрим кишилар ёвуз кучлар ва нопок ҳиссиётлар таъсирида ҳаракат қиладилар. "Ёвуз кучлар" эса инсон онгини захарлайдиган ва жиноятга ундайдиган, яъни ўғрилик ва талончилик, қотиллик, одам савдоси ва ғиёҳвандлик каби иллатларни қамраб олган.

Хусусан, дунё мамлакатлари ўртасида глобал муаммога айлиб бораётган одам савдоси эндиликда бутун омма-ни ташвишга солмоқда. Ҳуқуқ-тартибот ҳимоячилари бу иллатга қарши мунтазам равишда кураш олиб бораётганлар. Одам савдосидан жабр кўраётган айрим фуқаролар ҳам ўз ҳақ-хуқуқларини талаб қилиб, керакли идораларга ариза билан мурожаат этмоқдалар.

Миршор ҳақоратидида яшовчи фуқаро Чорикул Аминов одам савдоси жабрдийдаларидан бири. 2011 йил май ойининг охирида ака-ука Шавкат ва Тўра Ражабовлар уни бир нечта соддадил фуқаролар билан биргаликда Россия Федерациясининг Оренбург шаҳрига олиб кетди. Шавкат Ражабов алдов домига илинган фуқароларга ҳар ой 300 АҚШ долларидан маош беришни ваъда қилади. Бироқ, инфофизикли қарангки, фирибгарлар унинг бир неча ой давомидида ишлаб топган 1050 АҚШ долларидан миқдоридида меҳнат ҳақининг бир "тийин"-ини ҳам беришни лозим кўрмайдилар. Россия фуқароси Александр Горчев билан олдиндан тил бириктирган Шавкат Ражабов ҳамюртини шу тарзда ишлатиб, унинг топганини ўз эҳтиёжи учун сарфлайди.

Оғир ва ноқулай меҳнат шaroитида ишлаган Чорикул ҳамюртининг бундай қилмиши-

дан қаттиқ ранжиб, керакли жойларга арз қилиб борди. Натижада мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Шавкат Ражабовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг бир неча моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Алдовга учган қишлоқдошлар

Алдовга учиб, хорижда пул ишлашни орзу қилганлар ёлғон ваъдаларга ишониб, ўз тақдирларини фирибгарлар қўлига топшириб қўймоқдалар. Пировард натижада эса оғир қийинчиликларни бошдан кечиришга мажбур бўлаётдилар.

Департаментнинг Яккабоғ туман бўлими томонидан фуқаро Н.Тўхтаев ва бошқа бир неча жабрдийдаларнинг аризалари ўрганилганда, тумандаги Сассикбўлоқ қишлоғида яшовчи фуқаро М.Жўраевнинг қилмишлари ҳам аён бўлди.

Минжирлик Ш.Юлдошев, А.Махкамов, Н.Тўхтаев, Ф.Тўхтаев ва О.Имомов ҳам сассикбўлоқлик фирибгарнинг домига илинб "Қайдасан, Қозғистон!" деб йўлга тушган эдилар. Уларни Қозғистон Республикаси Жамбул вилояти томон етаклаган М.Жўраев йўл-йўлда 300-350 АҚШ долларини миқдоридида маош олишларини ваъда қилган.

Бу ерда алданганлар қурилиш ишларига жалб қилинди. Сассикбўлоқлик фирибгар ватандошларини Қозғистонда Малик исмли шахсга сотган ва "ҳужжатлаштириш" баҳонасида паспортларини олиб қўйган. Шароит оғир, ҳаво совуқ, шунга қарамай қишлоқдошлар бир суткада 14 соатлаб меҳнат қилишарди.

Улар кўп ўтмай қўйиллари "пуч ёнғоққа" тўлдирилганини англашди. Ваъда қилинган долларлардан эса дарак бўлмади. 2012 йил 24 июлда Ф.Тўхтаев оғир меҳнат ва ноқулай шароитга бардос беролмаслигини аниглаб, қўл телефонини сотди ва ўзга кишилардан қарз олиб, Маликнинг қўлидан қочиб кетди.

Текширувлар ва суриштирувлар натижасида сассикбўлоқлик М.Жўраевнинг 2009

йилдан буён одам савдоси билан шугулланиб келиши маълум бўлди. Шу давр ичида у Ш.Юлдошев, А.Махкамов, Н.Тўхтаев, Ф.Тўхтаев, О.Имомов ва бошқаларнинг 23263,2 минг сўмга тенг бўлган иш ҳақларини Маликдан (қозоқ тенгеси кўринишида) олиб, ушбу чет эл валютасини Ўзбекистон ҳудудида 12 минг АҚШ долларига алмаштирган ва шундан айрим фуқароларга қисман иш ҳақи берган экан.

Бундан ташқари, М.Жўраев одам савдоси жиноятидан топган даромадларини мулкка айлантириш мақсадида унга қонуний тус бериб, 2009 йилда ишлаб чиқарилган "Нексия" машинасини сотиб олди ва онаси Б.Жўраеванинг номига расмийлаштирди. Ўзи яшайдиган маҳаллада янги замонавий ўй куради ҳамда шу йўл билан жиноий фаолиятдан топилган даромадларини легаллаштирди.

Мазкур ҳолат юзасидан 2012 йил 26 сентябрда Департаментнинг Яккабоғ тумани бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари асосида жиноят иши қўзғатилиб ва тергов ҳаракатлари олиб бориш учун туман прокуратурасига юборилди. Пировард натижада туман суди томонидан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Хурматли фуқаролар, доимо оғоҳ бўлинг, фирибгарлар тузоғига тушиб қолманг. Қўйингизни пуч ёнғоққа тўлдириб, мағзини ўзи ейдиган қимсалар алдовга учманг.

Чақалоқ савдоси

Баъзи бир хорижий мамлакатларда янги туғилган чақалоқлар савдоси билан шугулланувчи кишилар борлигини эшитиб, уларнинг бундай нобакорлигидан нафратланардик. Бироқ, афсуски кейинги пайтларда баъзи нопок юртдошларимиз ҳам бундай савдо билан шугулланаётганлигидан газаб ва нафратимиз кўзиди. Жумладан, шу йил 11 май куни 40 кунлик чақалоқ 5 миллион сўмга сотилди. Аммо савдо охирига етмади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг вилоят бошқармаси ва Қарши шаҳар бўлими ходимлари бу савдога чек қўйдилар. "Ислом Кенжаев" номидаги тиббиёт масканининг (собиқ) раҳбари Мукаррам Тўхтаева ҳаридордан 5 миллион сўмни санаб олаётган пайтда жинояти ошқор бўлди.

"Чақалоқ кимники эди?" деган ҳақли савол туғилди. Дарҳақиқат, ўз фарзандини сотишга, унинг тақдирини номаълум қимсалар қўлига топшириб қўйишга, қалбиди озгина бўлса ҳам раҳм-шафқати бор кишининг виждони йўл қўймайди керак. Мукаррам Тўхтаева янги туғилган чақалоқни сотишга жазм қилди. Чунки бола уники эмас, бегона бир аёлдан туғилган эди. Балки шу аёлнинг ўзи фарзандини сотишни истаган ва бу ишни М.Тўхтаева билан биргаликда амалга оширмоқчи бўлгандир? Ана шу мулоҳазалардан кейин яна бир қатор саволлар туғилди: Ўша аёл ким эди? Мукаррам Тўхтаева уни қаердан топди? Улар аввалдан таниш эдиларми? Бола қаерда туғилган эди? Тўғруқхонадами? Саволлар бехисоб.

Онанинг кимлигини аниқлашнинг имкони бўлмади. Чақалоқнинг М.Тўхтаева қўлига тушиб қолиши эса фаолияти аллақачонлар туғилган, бироқ қонуний равишда ишлаб келаётган "Ислом Кенжаев" номидаги тиббиёт маскани билан боғлиқ эди.

Кахрамон ХОДЖАЕВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Қашқадарё вилоят бошқармаси
бошлиғи

Мазкур тиббиёт маскани Қарши шаҳридаги уйлардан бирида ташкил этилган бўлиб, унга Мукаррам Тўхтаева бошчилик қиларди. Бундан бир неча йил аввал тиббиёт масканининг фаолияти қонуний йўл билан тўхтатиб қўйилди. Шунга қарамай, у ерда яшарин тарзда "даволаш" ишлари давом этарди.

Бу жиноий иш қонун ҳимоячилари назаридан четда қолмади. 2012 йил 21 июнь куни ўтказилган тadbирда одам савдосига оид бу иш ошқор бўлди. Ўтказилган текширувда Мукаррам Тўхтаева ҳамда Шўтан Кенжаевнинг биргаликда амалга ошираётган бошқа жиноятлари ҳам фoш бўлди. Улар валюта қимматликларининг қонунга хилоф равишда олди-сотдиси билан ҳам шугулланишган экан. Ҳар бир АҚШ доллари 2870 сўмдан олинарди. "Долларчи"лар ҳаманидан 5 минг АҚШ доллари ва қарийб 14 миллион сўм ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Фаолияти тугатилган (2008 йил декабрь) тиббиёт корхонасининг махсус руҳсатномасиз хуфёна тарзда ишлаб келаётганлиги эса жиноят устига жиноят эди.

Қисқаси, "чақалоқ савдоси" ана шу хуфёна маскан фаолияти билан боғлиқ жиноят эканлигини изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмас керак. Буни қарангки, юқорида номлари тилга олинган шахслар қонуний йўл билан топилган маблағларни ОАТ "Алока-банк"ка қўйиб, 2011-2012 йилнинг июнь ойигача кўп миқдорда пул жамғарганлар. М.Тўхтаева номига қўйилган 19 миллион 300 минг сўм, Ш.Кенжаев ҳисобидидаги 35 миллион сўмдан зиёд маблағ, 2009 йилда ишлаб чиқарилган янги "Матиз" машинаси қонуний йўллар билан топилган пуллар миқдори ва саломини кўрсатиб турибди.

Мулкдор бўлишга ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи бор. Аммо нопок йўллар билан топилган даромад, эгасининг доимо қонун олдида жавоб беришига сабаб бўлади.

Халқимизда шундай иборалар борки, уларни чуқур англаган инсон бундан ўзи учун етарли хулоса чиқариб олади. "Жиноятнинг умри қисқа", "Бузқоннинг югургани сомонхонага" каби авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бундай нақллар аини кўнларда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмаган. Бундай иборалар ўзаро мулоқотларда кўп ишлатилса-да, афсуски, айрим қимсалар улардан ҳанузгача тегишли хулоса чиқариб олмаяптилар. Бундайлар сирасига тошкентлик 1984 йилда туғилган Қобилжон Муродов ва Одилжон Мирзаевларни (исм-фамилиялар ўзгартirilган) киритиш мумкин. Улар юртимизда тadbиркорлик билан шугулланиши мақсад қилганлар учун яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиб, 2010 йилнинг ноябрь ойида "PIONEER AGRO EXPORT" масъулияти чекланган жамиятини ташкил эттиди. Давлат рўйхатидан ўтиб, лицензияни ҳам қўлга киритган жамият раҳбарларининг мақсадлари, албатта хайрли эди. Жамият низомига кўра, МЧЖ юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорти билан шугулланиши керак эди. Амалда шундай ҳам бўлди. Улар рес-

публикамайдан четга чиқариш мумкин бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини йўлга қўйдилар. "Ҳаракат қилсанг, барака топасан", деганларидек, жамиятнинг фаолияти юришиб, ҳисоб рақамларида миллионлаб пуллар айлана бошлади.

Инсон нафисига нисбатан қаттиқ турма, у одамни эгри йўлга бошлаб, жиноят ботқоғига гарқ қилиши мана шу воқеада яна бир бор исботини топди. МЧЖнинг раҳбари Қ.Муродов ва бош ҳисобчи О.Мирзаевлар ҳам нафс гирдобига тушиб қолишди. Улар 2010 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улгуржи савдосидан тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини қасддан қамайтириб, Давлат солиқ инспекциясига нотўғри маълумот беришди. Шунингдек, 2011 йилда импорт қилинган товарларнинг улгуржи савдоси фаолияти бўйича ягона солиқ тўлови учун топширилган ҳисоботларда товар айланмасини ҳам қамайтириб кўрсатишди. 2011 йилнинг олти ойи мобайнида экс-

порт қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича олиб борилган ҳисоботлар ҳам бу икки шахс томонидан қалбақлаштирилди. Натижада улар давлатга 23 млн. 468 минг 545 сўм ягона солиқ тўловларини қасддан тўламадилар.

Бундан ташқари, раҳбар ва бош ҳисобчи олдиндан тил бириктириб, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги "Нақд пул муомаласини мустақкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг қисқартган ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари талабларини бузган ҳолда, МЧЖга кириш қилинган жами 35 млрд. 447 млн. 287 минг 482 сўмлик товарларни бозорда нақд пулга сотиб, банка топширмаганлар.

Мушукларини ҳеч ким "пишт" демаётганини ҳис қилган "шоввозлар" 21 млн. сўмлик ун маҳсулотларини ҳам

нақд пулга сотиб, савдо қондаларига зид ҳаракат қилишган.

Шунингдек, улар МЧЖнинг устав жамғармасини белгиланган ҳам сохта маълумотлар тайёрлаб, бир нечта қонунбузилиши ҳолатларини содир этганлар.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юносубод туман суди ушбу жиноят иши ҳужжатларини кўриб чиқиб, айбдорларга нисбатан одилона ҳукм чиқарди.

Юртимизда тadbиркорлар учун ҳар йили қўллаб қўлайликлар яратилиб, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун кенг йўл очиб берилапти. Шундай экан, қонуний фаолият юритаётган тadbиркорнинг иши доимо ўнгидан келишни ва бундайлар давлат ҳимоясида эканлигини унутмайлик.

Эгри йўлнинг интиҳоси

Иброҳим ШОЮСУПОВ,
СВОЖДЛҚК Департаменти
бўлим бош инспектори

Солиқлар иқтисодиёт таянчидир

Андижон вилоят ҳоқимлигида бюджет ва унадан ташқари мақсадли жамғармалардан бўлган боқиманда қарздорликларни қисқартириш юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Вилоят прокуратураси ва ҳоқимлиги томонидан ташкил этилган тадбирда мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳудудда фаолият кўрсатаётган ҳамда бюджет олдига қарздорлиги юқори бўлган корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари, солиқ идоралари мутасаддилари, солиқ ва валютага оид жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти вилоят бошқармаси, марказий банк вилоят бошқармаси, суд қораларини ижро этиш департаменти вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишни вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Ш.Матиев олиб борди.

Тадбирда таъкидланишича, олиб борилган мониторинг натижаларига кўра солиқ тўловлари бўйича боқиманда қарздорлик жорий йилнинг бошида 122,6 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 1 ноябрь ҳолатига 189,7 млрд. сўмга етган бўлиб, 67,1 млрд. сўмга ортган. Қарздорлик асосан вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги тизимидаги ташкилотлар, "Ўзпахтасаноат" уюшмасининг вилоят бошқармаси, "Ўздонмахсулот" акционерлик компаниясига тегишли корхоналар, "Ўзгармашсервис" уюшмасининг вилоят бошқармаси, "Қишлоқхўжаликим" акционерлик жамиятининг филиаллари ҳиссасига тўғри келади.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Т.Қутибоев олиб борилган мониторинг натижалари юзасидан ҳисобот берди. Унга кўра боқиманда қарздорликнинг 15,2 фоизи "Ўзпахтасаноат" уюшмасининг вилоятдаги корхоналарига, 11,4 фоизи "Ўздонмахсулот" давлат акционерлик компанияси корхоналарига, 35,5 фоизи фермер хўжаликлари, қолган қисми эса бошқа корхона ва ташкилотлар ҳисобида тўғри келаётди.

Юзага келган ҳолатни бартаф эйтиш бўйича тегишли идоралар томонидан бир қатор чоралар кўрилган. Хусусан, боқиманда қарздорликни ундириш мақсадида корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамларига инкасса топшириқномалари қўйилди.

Қаҳрамонжон НОДИРОВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим прокурори

огоҳлантириш талабномалари киритилди. Солиқдан бўлган қарздорликни корхоналарнинг мол-мулкидан ундириш мақсадида 9179 та даъво аризаси хўжалик судига киритилди. Улар томонидан чиқарилган ижро ҳужжатлари эса суд ижро департаментининг ҳудудий бўлимлари юборилди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда нақдлаштириш фаолиятини олиб бораётган субъектлар фаолиятига барҳам бериш бўйича муайян ишлар олиб борилди. 57 та хўжалик юритувчи субъектларда хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар то-

монидан қўзғатилган жиноят ишлари бўйича текширишлар ўтказилди. Текшириш якунига кўра 8 та ҳолатда даромадни яшириш, 29 ҳолатда нақд пул маблағларини банкка топширмаслик, 5 та ҳолатда товар қиммати ва бошқа қонун бузилиши аниқланди.

Танқидий-тахлилий руҳда ўтган йиғилишда тадбиркорликка кенг йўл очиш, ушбу соҳада амалга оширилаётган либераллаштириш ва эркинлаштириш натижасида ўтган йилларда солиқ юки бир неча баробар қайтарилган, ўз навбатида солиқларни тўлаш ҳар бир жисмоний ва юридик шахснинг бурчи эканлиги алоҳида таъкидланди. Пировардида вазиятни кескин соғломлаштириш бўйича барча иштирокчилар олдига аниқ ва қатъий топшириқлар қўйилди.

Ҳозирги пайтда энг кўп учрайдиган жиноий қилмишлардан бири ноқонуний валюта олин-сотишидир. Истиқлол туфайли юртимизда чет эл валюталарини конвертация қилишга доир қонунчилик меъёрлари ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, фуқароларимиз тижорат банклари орқали валюта алмаштириш, сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқларига эга бўлсалар-да, негацир айримлар ҳанузгача "қора бозор"га мурожаат қилишни маъқул кўришади.

Юксалишга хизмат қилсин

Хеч қачонда ишламасдан, қонунга ҳилоф равишда, валюта қимматликларини ўтказиш билан шуғулланиб келган Ўлугбек Курбаниёзов ва Олтибой Салаев 4 минг АҚШ долларининг ҳар бири 2810 сўмдан ҳисоблаб, 11 млн. 240 минг сўмга сотаётганларида қўлга олинди. Текшириш пайтида У.Курбаниёзовнинг ёнидан 1 минг 600 АҚШ доллари, О.Салаевнинг ёнидан эса 400 Россия рубли топилди. Уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан тегишли жазо тайинланди.

Ер юзиде биттагина аёл мавжуд бўлар экан, заргарга иш топилади, дейдилар. Бугун юртимиздаги иқтисодий фаровонлик туфайли фуқароларимиз қимматбаҳо тақинчоқларни харид қилиш имконига эгалар. Тақинчоқлар савдоси билан шуғулланиш ниятидаги тадбиркорлар учун ҳам барча шарт-шароитлар яратилган. Аммо, негацир айрим фуқаролар тегишли тартибда фаолият кўрсатишдан кўра, ноқонунийсини хуш кўрадилар.

Бошқарманинг Урганч шаҳар бўлими ҳодимлари томонидан амалга оширилган рейд давомида "Урганч марказий савдо" уйи олдига ноқонуний тилла буюмлари савдоси билан шуғулланаётган Надия Утербоева, Зулхумор Болтаева, Дилором Зариповаларнинг қилмишлари фош этилди. Тадбирда Н.Утербаева ҳеч қандай қонун ҳужжатларисиз 52 турдаги тилла тақинчоқларни савдога чиқарганини аниқланди, унинг ёнидан 1 млн. 90 минг 200 сўм пул, 1195 АҚШ доллари, 3500 Россия рубли топилди. 108 турдаги тилла буюмларининг савдога чиқарган 3.Болтаеванинг ёнидан топилган 1 млн. 400 минг сўм, 350 АҚШ доллари ашёвий далил сифатида расмийлаштирилди. Ҳужжатлар билан бўлмаган 54 турдаги тилла тақинчоқларини савдога чиқарган Дилором Зариповадан 235 минг сўм, 10 АҚШ доллари ва бошқа ашёвий далиллар олиб қўйилди. Тиллафуруш аёллар тегишли жазога тортидилар. Бундан ташқари, аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, саломатликка зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотларнинг ички бозорга қириб

Равшанбек РЎЗМЕТОВ,
СВОЖДЛКК Департаменти
Урганч шаҳар бўлими бошлиғи

келишининг олдини олиш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий тамойилларидан саналади. Шунга мувофиқ, департаментнинг Урганч шаҳар бўлими томонидан ноқонуний равишда қафолатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётган фуқароларни фош қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, қўшқўриқлик Қ.Қаландаров Урганч шаҳар марказий деҳқон бозорининг Жиззах кўчасида жойлашган савдо дўкониде ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган, давлат стандарт талабларига жавоб бермайдиган, истеъмолга яроқсиз, чигитдан олинган пахта ёғига ўхшаш 92 литр суюқликнинг ҳар бир литрини 4 минг 800 сўмдан сотаётган пайтда ушланди. Қ.Қаландаровга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суднинг ҳукми билан унга тегишли жазо тайинланди.

Урганч шаҳридаги "Xorazm voha biznes savdo" МЧЖ раҳбари Умар Жуманиёзов эса фаолияти давомида хизмат кўрсатиш қондаларини бузиш ва қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатларни нобуд қилиш жиноятини содир қилганлиқда айбланди. У жамиятга пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 829 млн. 150 минг сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб, тушган пулларни НКМдан ўтказмаган ва банк муассасасига топширмаган. Шунингдек, 525 млн. 758 минг сўмлик сифат сертификатли бўлмаган товар-моддий бойликларни улгуржи тартибда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга пул ўтказиш йўли билан сотган. Унга нисбатан ҳам тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Юртимиз кун сайин равақ топиб бормоқда. Иқтисодий имкониятларимиз кенгаймоқда. Бу юксалиш ва ривожланишга фақат қонуний фаолият орқалигина эришялмиз. Бунинг ҳар бир юртодшимиз ёдда тутиши мақсада мувофиқдир. Шундай экан, қонунга ҳилоф қилмишисиз билан тараққиётга болта урмайлик. Аксинча, ўз иқтисодимизни, салоҳиятимизни юрт равақига бахш этайлик.

Ёшлар билан учрашув

Хоразм вилоятида ёшларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирлар изчиллик билан давом этмоқда.

Ўлугбек РАДЖАБОВ,

Хоразм вилояти ҳоқимлиги ҳузуридаги
воёга етмаганлар ишлари бўйича
комиссия масъул котиби

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йиғирма йиллиги муносабати билан "Ватан тараққиётига менинг ҳиссам" шиори остидаги ёшлар фестивали доирасида вилоят ҳоқими, вилоят ҳоқимлиги ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси Пулат Бобононов ёшлар билан учрашди.

Кун давомида ёш тадбиркорлар, хунармандлар, ёш олимлар ва ёш ижодкорларнинг ижод намуналари кўргазмаси ташкил этилиб, юртимиз келажаги ишончли қўлларда эканлиги таъкидланди. Шунингдек, ёшларимизнинг Урганч шаҳри марказий майдондаги Ал-Хоразмий ҳайкал пойига гуллар қўйганлиги уларнинг аждодлар мероси ҳамда буюк ўтмишимизга чуқур эхтиром бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституция-

сининг йиғирма йиллиги муносабати билан ўтказилган маъруз тадбирда таълим, хунармандчилик, тадбиркорлик ва бошқа йўналишларда фаоллик кўрсатган илгор ёшлар тўплабини, вилоят ҳаёти, келажақ режалари ҳақида фикр алмашдилар.

Юртбошимиз томонидан мамлакатнинг эртанги эгаларига бўлаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, қолаверса, Конституциямизда белгиланган берилган ҳуқуқларидан муносиб фойдаланаётган ёшлар бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ўз фаолликларини намойиш этмоқдалар.

Маъруз учрашув янги авлод тарбияси, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларга муносабатларини шакллантириш, ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Китобхонлар ҳузурида



Мана 20 йилдирки, биз ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлган Конституция асосида яшаб келмоқдамиз. Жамиятимизда, ҳар қайси оила ва фуқаро ҳаётида қандай ихобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчасини Конституциямизда белгиланган қўйилган талаб ва қондаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси деб қабул қиламиз. Ўтган ҳафта пойтахтимиздаги Республика бо-

лалар кутубхонасининг анжуманлар залида Асосий Қонунимизнинг 20 йиллигига бағишланган "Конституция бахтимиз пойдевори" деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Маъруз тадбирини ўтказишдан қўзланган мақсад ўқувчи ёшларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларини улар онига сингдириш, келажагимиз эгаларининг ҳуқуқий билими, фикрлаш қобилиятини янада ўстириш, шунингдек, ёш китобхонларнинг ижтимо-

ий-сиёсий, илмий-маърифий ва бадий адабиётлар орқали она Ватанга, миллий қадриятларимизга бўлган меҳр-муҳаббатини юксалтиришдан иборатдир.

Тадбирни Республика болалар кутубхонаси Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари У.Раимбеков ва кириш сўзи билан очар экан, Конституциямизнинг турмушимиздаги аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган Бош прокуратура бўлим бошлиғи А.Эшмуродов ва бўлим прокурори У.Ахундовлар ўқувчи ёшларга Конституциямизнинг мазмун-моҳияти, уни ўрганиш ва ҳурмат қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини ҳаётини мисоллар ёрдамида тушунтириб ўтди.

Тадбир сўнггида ўқувчилар билан мавзу юзасида савол-жавоблар бўлиб ўтди. Ушбу тадбир ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўз муҳбиримиз

Шерзод амакиваччаси Шухрат билан олатагилак кўп қаватли уйлар оламида "Эски нарсалар олами" — деб, аравала айланиб юришар эди. Улар О.Бобождонова кўчасидаги дорихона олдидан ўтиб кетишганда янги қурилаган икки қаватли иморатнинг қаровсизлигини кўриб қолишди. Бу ҳолат дарров Шухратнинг эътиборини тортди. Иморатнинг эшиги ва дарвозаси ланг очик бўлиб, бино ҳовлисига кириверишда уч донга чўяндан ясалган батарея ва темир рельслар йиғитларнинг нафсини қитқилади. Улар вақтни бой беришмади. Шухрат Шерзодга атрофга қараб туришни тайинлади. Фурсатдан фойдаланиб, у иморат ҳовлисига кирди-ю кундалик иш маҳоратини қўлади.

Амакиваччаларнинг қилғиликлари

Умид АБДУЛЛАЕВ,

Олмазор туман прокурорининг ёрдамчиси

Гули ХОЖИБОЕВА,

«Huquq»

— Шиша идишлар, эски нарсалар олами, — дея бакириб, бино ичида ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилган Шухрат дарҳол Шерзодни ёнига чақирди. Улар шошилганча ҳовлидаги уч донга чўян батарея ва бир донга рельсни бир амаллаб эшак аравасига юклаб олишди. Воқеа жойидан ғойиб бўлган йиғитлар йўл-йўлакка ўрилган темир буюмларни қаерга яширишни муҳомада қилиб кетишди.

Ўрилган буюмлар Шерзоднинг уйда сақланадиган бўлди.

Кўп вақт ўтмай қурилиши битмаган иморатнинг эгаси Даврон Эргашев бу жойга уста олиб келганда, бир ҳафта олдин олиб келган рельс билан чўян батареялар йўқлигини билиб қолади. У бунга ойдинлик киритиш учун ён-атрофдаги кўшиклардан суриштиради. Қўшиклардан бири икки нафар лўли йиғит эрталаб баклашка ва эски нарсалар олиш баҳонасида маҳаллани айланиб юганини, унинг ҳовлиси олдида эшак аравасини тўхтайтиб унга бир нималар юклашганини кўришганини айтиди. Даврон зудлик билан туман ички ишлар бўлимига қарашли милиция таянч пунктига бориб, ўғирлик содир этилганлиги ҳақида хабар бермоқчи бўлади. Аксига олиб, милиция таянч пунктида ҳеч ким йўқ эди. У шошилганча ҳалиги кўшнисидан йиғитларнинг ташқи кўринишини суриштириб, уларнинг маҳалласига йўл олади. Йиғитларнинг уйини топиб, Шухратнинг дарвозасини тақиллатди. Эшикни Шухратнинг отаси очди. Д.Эргашев унга бор воқеани айтиб берди.

— Ака, ўғлим ҳали уйга келгани йўқ. Келса сўраб кўраман. Агар айб бизнинг ўғилда бўлса нарсаларингизни уйингизга етказиб берамиз. Илтимос, милицияга хабар берманг. Телефон рақамингизни менга ёзиб қолдингиз. Сизга шу бугун ўзим кўнғироқ қиламан.

— Амаки, икки-уч соат ичида менга аниқлаб, хабар беринг. Акс ҳолда тегишли жойга мурожаат қиламан, — деди Даврон қатъий оҳангда.

Уйига келган Шухрат отасининг жаҳл аралаш муомаласидан кўрқиб, сир бой бермасликка ҳаракат қилди.

— Гапир, анави кишининг темирларини сен олдингми? — деди ғазаб билан ота.

— Уй қаровсиз, эшиги ҳам очик турган экан...

— Темирларни қаерга қўйдинг?

— Шерзоднинг уйига...

— Ҳозирқо бориб, эгасига қайтариб бер. Тушундингми?

Шухрат шошилганча уйдан чиқиб, Шерзодларнинг уйига борди.

— Шер, анави темирларнинг эгаси бизникига келибди...

— Олганимизни билибдими?

— Бўл, ўша ерга борамиз.

Зум ўтмай улар Д.Эргашевнинг битмаган иморати олдида етиб келишди. Даврон дарвоза олдида турган йиғитларни кўриб, уларнинг нима сабабдан келишганини дарров тушунди.

— Келибсизлар-да. Энди милицияга мурожаат қиламан деб турдингиз. Олиб кетган нарсаларинг қани?

— Амаки, уйимга бориб, отамга шикоят қилибсиз. Гапингиз бўлса ўзимга айтинг, — деди дўх оҳангида Шухрат.

— Қўшиларим иккаланган эшак араваларингга уйимдаги темир буюмларни ортаётганларингизни кўришибди. Бу масалани яхшиликча ҳал қилайлик дегандим. Буюмларни қайтариб бермасаларинг, ҳозир милиция чақиртираман...

У гапини яна давом эттирмоқчи бўлганда, йиғитлардан бири унинг ёқасига ёпишибди. Д.Эргашев ўзини химоя қилмоқчи бўлиб, уни итариб юборди. Шунда у ерда ётган ўткир тигли темир билан кутилмаганда Давроннинг бўйнига санчиб олди. Унинг бўйнидан қон сизиб чиқди-ю, ҳушидан кетиб йиқилди.

Бу ҳолатни кўрган амакиваччалар ўша заҳоти воқеа жойидан қочиб қолдишди. Иморат эгасининг ерда ётганини кўрган усталардан бири дарҳол тез тиббий ёрдам чақириб, икки ишларга хабар берди. Кўп вақт ўтмай воқеа жойига тез тиббий ёрдам машинаси ва икки ишлар ходимлари етиб келишди. Тан жароҳати олган Д.Эргашевнинг ҳаёти вақтида кўрсатилган ёрдам тўғрисида сақлаб қолинди.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг ҳукмига кўра Шухрат ва Шерзод Ҳазратовлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

Мисси чикқан уюшма

Акбаржон ЮСУПОВ,
Данғара туман прокурори

Сойишлар қишлоғилик Илҳомалига омад қилиб боқди. Салкам ўттиз ёшни қоралаганида, беҳисоб сармоя орттириш имкони туғилди. Амалдаги қонунларга асосан, "Данғара кредит" уюшмаси ташкил этилиб, умумий йиғилиш қарори билан ташкилотчилардан бири бўлган Илҳомалини уюшма ижроочи директори этиб сайлашди. У ўз навбатида ўзи яхши билган танишлари, ҳамқишлоқларини ишга қабул қилди. Мукурмонқул, Азизжон, Шавкатжонларни кредит бўлими бошлиғи, ушбу бўлим мутахассиси, пул муомаласи бўлими мутахассиси каби лавозимларга тайинлади. Қўшни қишлоқлик Дамшоджон билан Бахтиёржонлар ҳам унинг қўл остида мутахассис сифатида ишлаб бораётган.

Уюшманинг низомига кўра, тадбиркорлар савдо-сотик учун тилла буюмларини гаровга қўйиб, рўзгор буюмлари харид қилмоқчи бўлган фуқаролар эса, ишлаб турган корхоналаридан кафолат хати тақдим этиб, ўн икки ой муддатга кредит олишлари мумкин эди.

Ушбу қулай шартлар Кўкон шахридаги бозорда заргарлик буюмлари савдоси билан шуғулланаётган Мухайёхонни ҳам кредит олиб, пулни айлантиришга ундади. Уч нафар фарзанднинг онаси ўттиз ёшидаёқ ҳаётнинг аччиқ-чучуғини топиб қўришга улгурган, бир-икки хориж мамлакатларига бориб, омадини синаб кўрган, аммо иши юришавермаган, узокнинг ҳовласидан яқининг шўраси афзаллигига ишонч ҳосил қилиб, бозорда олибсатарлик билан рўзгор тебратётган эди. Кўзи пишиб қолган, бир қарашдаёқ асл тилла буюмини тилла суви юритилган, мисдан ясалган тақинчоқлардан ажратиб оларди.

Хуллас, у ҳам уюшмадан тилла узуги ва балдоғини гаровга тикиб, кредит олди. Шу аснода, ижроочи директор, кредит бўлими бошлиғи, мутахассислар, газначи билан танишди. Мутахассислар билан суҳбатлардан бирида гаровга тикилаётган тилла буюмларни олдириб қўйишдан юрак ҳовучлаб, шахардаги заргарларга экспертизага олиб бораверишдан зерикчиларини, уюшмага тажрибали заргарни ишга олиш тараддудини кўришгаётганини билиб қолди-да, ўзининг хизмати тақдир қилди. Илҳомали Мухайёхон билан суҳбатлашиб, синаб кўрди. Мисни, асл тиллани ажрата олишга гувоҳ бўлди.

Бироқ, аёлнинг заргарлик илми бўйича на ҳужжати-ю ва на лицензияси бор эди.

— Опажон, сизга ўхшаган заргар зарур, — деди у. — Лекин дипломсиз, ҳужжатсиз ишга ололмайман. Хўп десангиз, бизда норасмий ишлайсиз. Гаровга қўйилаётган тилла буюмнинг сифати, проба-сини текшириб, ёзма хулоса берасиз. Биз эса мижоздан хизмат ҳақингизни ундириб бериб турамиз.

Бу гапга Мухайё Мўйдинова рози бўлди. Бироқ, кредит олгани келганларнинг аксариятида гаровга тилла буюм қўйиш имконияти йўқ, айримлари таниш-билишлари, қариндошларининг тақинчоқларини топширишмоқда эди.

Мухайёхон Илҳомалига тақлиф билан чиқди:

— Бир-иккита аёллар тилла-ларимиз озгина, оддий тақинчоқларга ҳам тилла, деб хулоса бераверинг-да, биров билиб ўтирибдими, дейишяпти. Агар хўп десангиз, тилла суви юритилган узук, сирғаларни асл тилладан, деб олиб қолверамиз. Мижозларимиз кўпаяди. Айримларининг номига ажратилган кредит маблағини ўзимиз олиб айлантирамиз.

Ижроочи директор бу тақлифга кўнган, унинг раҳбарлигида ташкил толган уюшган жиноий гуруҳ аъзолари жиноий шериклари ҳамда улар топиб келган мижозларнинг номига расмийлаштирилган кредит пуллари кассадан ўзлари олиб, ўзлаштиришга киришдилар. Бунинг учун ҳужжатларини, гаровга қисман тилла, аксарияти мисдан ясалган ялтироқ тақинчоқларини топширганларни эртага-индинга, деб овора қилишар, сўнгра расмийлаштирилган қалбаки

ҳужжатлар бўйича уларга ажратилган кредит маблағларини ўзара бўлиб олишар эди.

Мухайё тақлифлар булоғи экан. Янги тақлиф билан чиқди. Истеъмом кредити олиш учун таниш-билишларининг паспортларини олиб қолиб, уларнинг номига рўзгор буюмлари харидига кредит очиб, дўкондан буюмларни ўзлари олиб сотиб, пулни айлантиришса, миллионлаб фойда кўришарди. Шундай қилишди ҳам. Натижада, сохта ҳужжатларни расмийлаштириб, дўконлардан кредитга олинган мебель, музлатгич, телевизор каби буюмларни бозорда сотиб, фойдани чўнтақларига уришаверди.

Чунончи, 2010 йилнинг декабрь ойи бошида "заргар" М.Мўйдинова укаси Ш.Қўзибоевнинг фуқаролик паспорти нусхаси, яна жойидан маълумотномаларни олиб, унинг номидан уюшмага 39 млн. сўм кредит ажратилиши сўраб, ариза топширади. Гаров учун ўзида бўлган 18 хил мисдан ясалган тақинчоқлар сонини 21 донга қилиб "кўпайтириб", софлиги 585, 583, 750 проба-ли асл олтин қоршамасидан ясалган, вазни 406,1 граммдан иборат, дея қалбаки далолатномани расмийлаштиради.

Ижроочи директор, кредит қўмитасининг раиси ва аъзолари мисдан ясалган, бир нечтаси тилла бўлса-да, софлик нисбати паст бўлган тақинчоқларга "заргар" мутахассиси сохта хулоса берганини билганлари ҳолда, кредит шартномасини тузиб, имзо қўйишди. Ва, 12 ой муддатда қайтариш шарт билан Ш.Қўзибоевнинг номига ажратилган 39 млн. сўм маблағни газнадан олиб, ўзара баҳам кўришарди.

Умуман олганда жиноий гуруҳ аъзолари юқоридагидай йўсинда таниш-билишлари, қариндошлари номига кредит шартномалари тузиб, салкам 400 млн. сўмга ақин кредит маблағларини ўзлаштиришган.

Суд мажлисида жиноий гуруҳ аъзоларининг айби ҳужжатли далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари, судланувчиларнинг қисман ёки тўлиқ иқроорликлари билан ўз тасдиғини топди. Айбдорларга қилмишларига яраша жазо тайинланди. Улардан "Данғара кредит" уюшмасининг тугатиш комиссияси фойдасига 381 млн. сўм ундирилган бўлди.

Божхонани четлаб...

Соҳиб Тўраев 2009 йилда якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатинан ўтиб, чет эллардан кийим-кечак олиб келиб сотиш билан шуғулланиб юрди. Лекин унинг тегишли тартибда якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатинан ўтиши, фақатгина ноқонуний фалсиятини ниқоблаганидан далолат берди. У контрабанда йўли билан республикамиз ҳудудига турли товар-моллий бойликларни олиб кириш ва сотиш билан шуғулланишга киришиб кетди.

"Кўза кунда эмас, кунда синади" деганларидек, республикамиз ҳудудига товар-моллий бойликларни боғжона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиб, контрабанда йўли билан олиб кирилишини ва уларни икки бозорларда сотилишини бартараф этиш юзасидан ўтказилган

Атхам БАБАДЖАНОВ,

СВОХЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

рейд текширувида Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Махтумқули кўчаси 13-уй манзили бўйича фуқаро С.Иброҳимов хонадонидан кириб ҳужжатларига эга бўлмаган 490 донга "Vinson" эркаклар ички кийимлари, 128.000 донга чет элда ишлаб чиқарилган соч бўяшда ишлатиладиган "Moon Star" хина маҳсулотлари, жами 98 млн. 420 минг сўмлик товар-моллий бойликлар сақланаётганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, С.Тўраев ўзига тегишли контрабанда маҳсулотларини қўшниси С.Иброҳимов хонадонидан сақлаб келатган экан.

"Қилмиш қидириш" дейдилар. Энди у содир этган жиноий қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» YoAJ «POYTAHT FILIALI» бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 6 декабрдаги 233к-ПО сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар, Мирзо Улукбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй манзилида жойлашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «BEZAK» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасининг устав фондидаги, бошланғич баҳоси — 1 479 496 200,0 (бир миллиард тўрт юз етмиш тўққиз миллион тўрт юз тўқсон олти минг икки юз) сўм бўлган, бундан буён «Улуш» деб аталувчи 17,5 фоиз давлат улуши қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сакловчи: Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «BEZAK» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси.

Балансда сакловчининг ихтисослиги: Хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш.

Аукцион савдоси 2013 йил 14 январь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул

қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 11 январь кuni соат 18:00.

Юқоридаги «Улуш» 2013 йил 14 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 21, 28 январь ва 2013 йил 4 февраль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 21 январдаги савдолар учун 2013 йил 18 январь кuni соат 18:00; 2013 йил 28 январдаги савдолар учун 25 январь кuni соат 18:00, 2013 йил 4 февралдаги савдо учун 2013 йил 1 февраль кuni соат 18:00.

Аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» YoAJ «Poytaht filiali» нинг ОАИҚБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, ИНН 200933850 ОКОНХ: 83300 Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шох кўчаси, 16-а-уй.

Аукцион савдоси натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо голиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлашни тасминлайди.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-а-уйнинг 3-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдирши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Миробод т., Амир Темур шох кўчаси, 16-а-уй. Телефон: (8-371) 233-20-96.

Расмий сайтимиз: www.rmm.uz.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилоят филиалида ўтказиладиган очик танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПК-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 6 декабрдаги 90-сонли буйруғига асосан қуйидаги давлат активи қўйилмоқда:

«Ховос-Зомин» ирригация тизими бошқармасига тегишли, Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, Бўстон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, бошланғич баҳоси — 126 394 320 сўм бўлган эски идора биноси (кейинги ўринларда «Давлат активи» деб юритилади.) қўйилмоқда (фаолият турини сакламаган ҳолда).

Давлат активини балансда сакловчи: «Ховос-Зомин» ирригация тизими бошқармаси.

Балансда сакловчининг ихтисослиги: Сув қурилиш.

Эски идора бино учун ер ўчакчасининг умумий майдони 53 146,7 кв.м.

Эски идора биноси эгаллаган қури-

лиш ости ер майдони 504,0 кв.м.

«Давлат активи»ни танлов савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгилансин:

— Объектни қайта таъмирлаш, унда аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шарти билан 10 000 000 (ўн миллион) сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти юклатилади.

Танлов савдолари 2013 йил 18 январь кuni соат 15:00 да бўлиб ўтади. Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 18 январь кuni соат 12:00.

Агар билдиришномада белгиланган конвертларни очиш санасида бирорта ҳам буюртманомана тушмаса ёки фақат битта буюртманомана тушса танлов бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади.

Юқоридаги давлат активи 2013 йил 18 январь кuni ўтказиладиган очик танлов

савдосида сотилмаган тақдирда такрорий танлов савдолари 2013 йил 4-27 февраль ва 20 март кунлари «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиали биноси мажлислар залида соат 15:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилиш, танлов савдоси бошланишидан 3 соат олдин тўхтатилади.

Танлов савдосида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган яъни 18 959 200 (ўн саккиз миллион тўққиз юз эллик тўққиз минг икки юз) сўм миқдордаги закалат пулини «KMSX» МЧЖ Жиззах вилоят филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

Танлов савдоси натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Жиззах вилоят ҳуду-

дий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо голиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлашни тасминлайди.

Танлов савдолари ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдирши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиали жойлашган манзил Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 39-уйда олишиниз мумкин.

Танлов савдолари Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 39-уйда амалга оширилади. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Тел.: (8-372) 222-34-16. Расмий сайти-миз: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 10 декабрдаги ХБ-362/12-сонли буйруғига асосан «Ўздаверлойиха» институтини Қашқадарё бўлинимасига қарашли Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Т.Баҳодир кўчасида жойлашган бошланғич баҳоси — 96 105 000 сўм бўлган «Маъмурий ва ёрдамчи бино-иншоотлар» (бундан кейин «Давлат активи» деб юритилади) қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сакловчи: «Ўздаверлойиха» институтини Қашқадарё бўлинимаси.

Балансда сакловчининг ихтисослиги: Лойиҳалаш Давлат активининг умумий ер майдони 785,0 кв.м, Бино ва иншоотлар ва бошқа қурилмаларнинг умумий ва фойдали майдони 449,63 кв.м.

Бино-иншоотларда сув, газ, электр ва иссиқлик тармоқлари мавжуд.

Давлат активини аукцион савдолари орқали сотиб олишнинг асосий шартлари:

— энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
— сотиб олиш қийматини қисқа мuddатларда амалга ошириш.

Аукцион савдоси 2013 йил 15 январь кuni соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 11 январь кuni соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2013 йил 15 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 31 январь, 2013 йил 18 февраль ва 2013 йил 6 март кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2013 йил 31 январдаги савдолар учун 29 январь кuni соат 18:00; 2013 йил 18 февралдаги савдолар учун 15 февраль кuni соат 18:00; 2013 йил 6 мартдаги савдолар учун 2013 йил 4 март кuni соат 18:00.

Аукцион савдоларида катнашиш учун талабгорлар томонидан савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат шартномасига асосан давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека» банк Қашқадарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР:

207122519

Аукцион савдоси натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо голиби томонидан тўланган закалат пули ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномасига мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлашни тасминлайди.

Аукцион савдолари Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, М.Абдуллаева кўчаси 20-уй, «Қашқадарё мулк Маркази» МЧЖ биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлдирши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Қашқадарё вилоят, Қарши шаҳар, М.Абдуллаева кўчаси 20-уй, тел/факс: (8-375) 225-44-58, веб сайт: www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: № RR 0001.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Хоразм вилоят филиалида ўтказиладиган очик танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПК-1743-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 5 декабрдаги 85-Т-сонли буйруғига асосан қуйидаги давлат активи қўйилмоқда:

1. Амударё ирригация каналлари бошқармасига қарашли бўлган, Хоразм вилояти Урганч шаҳар «Хонка кўчаси» 154-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси - 376 763 000 сўм бўлган «Қурилиш тугулланмаган бино» (бундан кейин «Давлат активи» деб юритилади).

Давлат активини балансда сакловчи: Амударё ирригация каналлари бошқармаси.

Балансда сакловчининг ихтисослиги: Бошқарув.

Ер ўчакчасининг умумий майдони

3770,0 кв.м. бино ва иншоотларнинг умумий ва фойдали майдони 945,02 кв.м.

«Давлат активи»ни танлов савдоси орқали сотишнинг асосий шартлари этиб қуйидагилар белгилансин:

— камида 250 000 000 (икки юз эллик миллион) сўм миқдорда инвестиция киритиш,

— камида 30 (ўттиз) та янги ишчи ўринлари яратиш.

— сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишини қисқа мuddатларда амалга ошириш бўйича энг яхши бизнес-режа тақдим этган «иштирокчи» голиб деб топилди.

Танлов савдолари 2013 йил 15 январь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 11 январь кuni соат 18:00.

Агар билдиришномада белгиланган конвертларни очиш санасида бирорта ҳам буюртманомана тушмаса ёки фақат битта буюртманомана тушса танлов бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади.

Танлов савдоларида катнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган яъни 56 514 450 (эллик олти миллион беш юз ўн тўрт минг тўрт юз эллик) сўм миқдордаги закалат пулини ташкилотчиси «KMSX» МЧЖ Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609036, АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, ИНН: 207122519. Танлов савдоси натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо голиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлашни тасминлайди.

Танлов савдоси ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдирши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Хоразм вилоят филиали жойлашган манзил Урганч ш., Й.Бобононов кўчаси, 23-уйда олишиниз мумкин.

Танлов савдолари Хоразм вилояти Урганч шаҳар, Й.Бобононов кўчаси 23-уйда амалга оширилади. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Тел: (8-362) 226-32-63 Расмий сайти-миз: www.1kms.uz Лицензия: RR-0001.



«Агробанк» – тадбиркорлар таянчи

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаёпти. Сабаби — айнан ушбу соҳа кўлаб мамлакатлардаги каби бизнинг республикамиз иқтисодиётида ҳам муҳим ўрин тутаётганиги бугун ўз исботини топмоқда. Республикаимизнинг барқарор иқтисодий ўсишида, янги иш ўринларини ташкил қилишда, аҳолининг даромадлари ошиши ва янада фаровон ҳаёт кечирishiда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Шу боис ҳам мазкур соҳани жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва кўлаб-қувватлаш борасида кўлаб жиҳий ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, республикадаги етакчи молия муассасаларидан бири сифатида танилган «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, уларни молиявий кўлаб-қувватлаш, сифатли банк хизматларини таклиф этиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Банк томонидан 2012 йил 1 ноябрь ҳолатига кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар 317 млрд. сўмни ташкил этиб, ўрнатилган прогноз ижроси 103 фоизга бажарилди ва ушбу кредитлар ҳисобига 28 844 та иш ўринлари яратилди. Берилган микрокредитлар 89,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўрнатилган прогноз ижроси 115 фоизга бажарилди. Кичик бизнес субъектларига банкнинг имтиёзли кредитлар жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами 4 млрд. сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги қарори асосида аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эътиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон озик-овқат маҳсулотлари билан бекаму кўст тўндириш, асосан қишлоқ жойларда замонавий,

юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо этиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш мақсадида банк томонидан озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ажратилган кредитлар ҳажми 97,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги қарори асосида рақобатбардош юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини янада тўлиқроқ бойитиш, тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштиришга жами 72,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Маълумки, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, уларни кўлаб-қувватлаш, бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқаришда банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий мададнинг ўрни бекиёс. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ касб-хўна қоллежлари битирувчиларига ўз

бизнесини ташкил этиш мақсадида 4 млрд. 242 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Яратилган иш ўринлари сони эса 999 тани ташкил этди. Шу билан бирга, Агробанк томонидан ёшларнинг, хусусан, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш мақсадида, кўлаб ишлаб чиқариш корхоналарига тавсиялар берилмоқда.

Жорий йилнинг 27 апрелидан қучга кирган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши азалдан тадбиркорлик, хўнарандчилик билан дунёга танилган халқимиз ўчун изланиш, ташаббускорлик ва яратувчанлик иштиёқига янги раҳ бағишлади. Ушбу қонуннинг асосий мақсади - иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида ривожлантириш ўчун зарур қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес ўчун ҳуқуқий қафолатларни қучайтириш ва янги иш жойларини ташкил этишдан иборат.

Шу маънода, банк томонидан хўнарандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида 6 млрд. сўмдан зиёд кредит ажратилди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, айнакча қишлоқ жойларда инфратузилмани ривожлантиришга 19,7 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган ҳам эътиборга лойиқдир.

Ҳар бир аёл хонадони фаровон, турмуши файзли, оиласи мустаҳкам бўли-

шини истайди. Бунинг асосий омили эса ҳалол меҳнатдир. Эркин ва ҳалол меҳнат қилган киши маънан соғлом, жисмонан бардам бўлади, унинг ҳаёти тўқис, турмуши осойишта кечади.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини ошириш, бандлигини таъминлаш, тадбиркор аёлларни кўлаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар уларнинг бундай эзгу истаklarини рўёбга чиқариш имконини бермоқда. Аёлларни тадбиркорликка жалб этишни қучайтириш ва уларнинг моддий фаровонлиги ошириш, тадбиркор аёлларни кўлаб-қувватлаш мақсадида «Агробанк» томонидан 38,7 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, Вазиirlар Маҳкамасининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат салоҳиятини ошириш, озик-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ дастурларга мувофиқ жорий йил давомида жами 309 та умумий қиймати 80 млрд. сўмлик, шундан банк кредити ҳисобидан 44,2 млрд. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди, мазкур кредитлар ҳисобига 2 305 та иш ўрни яратилди.

Хулоса қилиб айтилган бўлса, «Агробанк» ОАТВнинг асосий стратегик мақсадларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизмат турлари кўламини янада кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, бу орқали Республикаимиз иқтисодиётида ўз муносиби ўрнини мустаҳкамлашдан иборатдир.

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки бундан кейин ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаш, миқозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатишда давом этади. □

Ўз муҳбиримиз

"MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" OAJ биржа савдоларига таклиф этади!

2013 йил 14 январда "Тошкент" РФБ биржа савдоларига чиқариладиган давлат акция пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш, %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, дон	1 дон акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дон акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи, сўм	Акциялар пакетининг бошланғич нархи, сўм
1	Тошкент вилоти «Дори-Дармон» ОАЖ	9,01	7938	6500,0	74 579,55	592 012 497,0

Қўшимча маълумотлар ўчун "MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI" OAJга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 10 уй.

Телефонлар: 232-10-45, 236-71-71

E-mail: info@ndvakt.uz, www.gki.uz

«EFFECT REAL GROUP» масъулияти чекланган жамиятида 2012 йил 13 ноябрь куни бўлиб ўтган «ким ошди» савдо натижалари

№	Мулкнинг номи	Мулкнинг жойлашган манзили	Мулкнинг бошланғич нархи (сўм)	Мулкнинг сотилган нархи (сўм)
1	Маданият ҚФЙ 136қ-контурдаги 5-сонли ер майдони	Қува тумани, Маданият ҚФЙ	446 040	700 000

«ҚАШҚАДАРЁ КИМ ОШДИ САВДО» масъулияти чекланган жамияти «аукцион» савдосига таклиф этади!

2013 йилнинг 14 январь куни соат 10:00 дан бошлаб «Қашқадарё ким ошди савдо» МЧЖ офиси биносиде аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги давлат активи қўйилади.

1. Қашқадарё вилоти, Яқабоб тумани Ф.Фулом кўчаси, 11-уй манзилда жойлашган "ГАСН" масъулияти чекланган жамиятининг 45 фоиз давлат улуши. Корхонанинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, улардан ёғ-мой ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат. Бошланғич баҳоси - 13 133 000 сўм.

Очик "аукцион" савдосига қатнашиш ўчун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача «Қашқадарё ким ошди савдо» МЧЖ офиси биносиде қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилиш савдодан 1 (бир) кун олдин яъни 13 январь куни соат 18:00 да тўхталади. Ушбу кун-

даги савдода сотилмай қолган объектларнинг такрорий аукцион савдолари 2013 йил 21 ва 28 январь ва 4 февраль кунлари соат 10:00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Савдода қатнашиш ўчун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"га асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдорида закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар ўчун паспорт нусхаси, юридик шахслар ўчун корхона низоми, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишоннома тақдим қилишлари шарт.

Закалат пулини тўлаш ўчун реkvизитлар: «Қашқадарё ким ошди савдо» МЧЖ, АТИБ "Ипотека банк" Қашқадарё вилот филиали, МФО:00190, ҳисоб рақами 20208000504396266001, СТИР:205560394.

Манзил: Қарши шаҳри, 4-митти туман.

Мулжал: "Зангори экран" устакхонаси.

Телефон: + 998 95 505-08-99, + 998 95 506-08-99.

Гувоҳнома № 1665

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, Фахрийларни ижтимоий кўлаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ҳамда Навоий вилот прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси

Ҳажим НУРМАТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради

Наманган вилот прокуратураси жамоаси Учқўрғон туман прокурори Жамол Низомовга онаси

Ханифа ҳожи аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради

Муборак бўлсин!



Республика Бош прокуратураси, Сурхонларё вилояти ва Тошкент шаҳар прокуратура органларида 30 йилдан ортиқ турли лавозимларда хизмат қилиб, жиноятчиликка қарши курашга, қонунчилиكنи мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Анна Тигай табарруқ 85 ёшни қаршиламоқда.

У меҳнат фаолияти давомида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий-амалий тажрибасини ёш ходимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди.

Анна Тигай теран билими, ёшлар ва шогирдларига бўлган ғамхўрлиги, инсонларга нисбатан самимийлиги, меҳнатсеварлиги ҳамда камтарлиги билан ҳамкасбларининг ҳурматини қозонди.

Бугунги кунда унинг тўғри йўлни кўрсатиб, виждонан ишлашни ўргатган, ҳуқуқ тартибот органларида турли лавозимларда хизмат қилаётган кўплаб шогирдларини учратиш мумкин.

Анна Тигайнинг қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Анна Александровна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сihat-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

Бурчига садоқатли



Самарқанд, Наманган ва Навоий вилоят прокуратура органлари тизимида 33 йилдан ортиқ меҳнат қилиб, мамлакатимизда эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулиятли ҳамда шарафли вазифага муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Салам Облоқулов кутлуғ 70 ёшни қарши олмақда. У киши қаерда ва қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар, ҳамisha билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида эътибор қозонди.

Салам Облоқулов иш фаолияти давомида туман ва шаҳар прокуратураларида терговчи, катта терговчи, туман прокурорининг катта ёрдамчиси, вилоят прокуратурасида бўлим прокурори, катта прокурори, бўлим бошлигининг ўринбосари, бўлим бошлиги, Пахтачи, собиқ Боғишамол, Ғўзалкент ва Наманган вилоят Янгйўлғон туманлари прокурори, Самарқанд вилоят прокурорининг ўринбосари лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Ишлаш даврида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфирқ, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди. Меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, самимийлиги, бурчига садоқат

ти билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди.

У кишининг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Салам Облоқулович бугунги мунаввар кунлар шукронасида шогирдлар, фарзандлар ва набиралар орасида таваллуд айёмини нишонламоқда.

Ҳурматли Салам Облоқулович, кутлуғ айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сihat-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.



XALQ BANKI

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ жамоаси

барча юртдошларимизни ва ўз мижозларини

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

билан самимий муборакбод этади ҳамда энг эзгу тилақларини билдиради.

**Диёримизда доимо тинчлик ва осойишталик,
оилаларимизда кут-барака ва шод-хуррамлик бўлсин!**



ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!

Huquq yuridik gazeta

Muassis:
**Ўзбекистон
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusufpoy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir
o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqriz
qilinmaydi va egalari qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahririyat ruxsati bilan
amalg'a oshiriladi.
□ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni
uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma **J-5976. 45 784** nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **K.ASDAROV**
Musahhih: **M.QAMBAROV**
Navbatchi: **O'.DEHQONOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2020-7457

